Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 146 (5737).
28 ИЮНЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИГА

• Шаҳар индустрияси рапорти

Ярим йиллик план тайёр!

Шаҳар индустрияси кеча товар маҳсулотларини реализация қилиш ва буюмларнинг аксарнятн муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик планни адо этди.

Республика ва мамлакатимиз халқ хўжалигига қўшимча равишда июль ойи шартнома мажбуриятлари ҳисобидан бир неча ўн миллион сўмлик турли-туман машинасозлик, приборсозлик, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат, қурилиш индустрияси маҳсулотлари, кенг истеъмол буюмлари етказиб берилади.

«КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остидаги зарбдор вахтада Тошкентнинг Ленин, Куйбишев, Чилонзор, Сергели ва бошқа районлари механизаторлари катта муваффақиятга эришдилар.

Ўзбекистон пойтахтининг механизаторлари КПСС Марказий Комитети апрель [1985 йил] Пленумининг қарорларига, ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети июнь кенгашидаги «Партия иқтисодий снёсатининг туб масаласи» мавзуидаги докладида баён этилган қонда ва хулосаларга амалий иш билан жавоб бериб, диққат-эътиборни хўжалик фаолиятининг туб масалаларига— фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга, моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлашга сафарбар этмоқда, шу йил ва бутун беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа таъсирчанлигини кучайтиришга қаратилган.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИНИ ИШЧИЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Днепропетровскда бўлиши

ДНЕПРОПЕТРОВСК, 26 июнь. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий Киевдан Украинанинг мана шу йирик индустриал марказига келишди. Аэропортда уларни Днепропетровск область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Бойко, область ижроия комитетининг раиси Ю. П. Бабич, шаҳар ва областнинг бошқа партия ва совет раҳбарлари кутиб олдилар.

Г. И. Петровский номидаги Днепропетровск металлургия заводи—совет машинасозлиги учун пўлат, прокат, чўян ишлаб чиқарувчи йирик корхонадир. М. С. Горбачев корхонада бўлган чоғида домна ва сортли листопрокат цехларида бўлди. Ишчилар, мутахассислар, партия ходимлари билан ўтказилган суҳбатларда асосий эътибор ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни сифатини ошириш учун зарур бўлган резервлардан фойдаланишга қаратилди.

Бу—халқ хўжалигини интенсивлашнинг кўпгина энг муҳим проблемаларини ҳал этиш калити ҳисобланади.

Мамлакатнинг барча қора металлургия корхоналари сингари бу завод ҳам техника билан қайта қуролланиш суръатларини кескин жадаллаштириши керак. Завод директори В. И. Деревянко бу соҳада корхона коллективи, коммунистлари амалга ошираётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Аммо бир қанча участкалардаги ускуналарнинг эскириб қолганлиги ишлаб чиқаришни олға силжитишга тўсқинлик қилмоқда. Уни ремонт қилишга кўплаб маблағ сарфлашга тўғри келмоқда. Лекин бу йўл проблемани оқилона ҳал этиб беролмайди. Заводни реконструкция қилиш зарур. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхонани сифатли кокс, зарур миқдордаги хом ашё билан таъминлаш кераклиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Сўнгра металлургларнинг Маданият саройида КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг завод коллективи билан учрашуви бўлди. Учрашувни корхона партия комитетининг секретари В. Ф. Марченко очиб, М. С. Горбачевга сўз берди.



Қўйилиқ массивн тобора гўзаллашиб, замонавийлашиб боряпти. Бу ерда кўплаб янги турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда. Жумладан, бу ерда автотранспортчиларнинг медицина-санитария қисми ҳам бунёд этилаятн. Унн «Узавтотранс» трестининг Тошкент область қурилиш бошқармасн қурувчилари бунёд этмоқдалар.

СУРАТДА: ана шу бошқармаиинг тажрибали мастерн Юрий Гофуров.

М. Нуриддинов фотоси.

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Украинага келишга тараддуд кўраётганимда, деди М. С. Горбачев, социалистик индустриянинг энг йирик маркази бўлган Днепропетровскда албатта бўлишни кўнглимга тугиб қўйгандим. Шу пайтгача бу ерда бўлмаган эдим. Бугун мен ишчилар синфининг шонли отрядларидан бири бўлган сизларнинг коллективингиз ҳаёти билан танишиш, партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан сизларни самимий табриклаш имкониятига эга эканлигимдан хурсандман.

Совет кишилари билан учрашиб туриш партия ходими учун ғоят катта аҳамиятга молликдир, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, ёшлар билан доимий жонли алоқа партиявий ишнинг асосий мазмунини ташкил этади. В. И. Ленин партия ходими ҳамиша омма орасида бўлиши керак, деб таъкидлаб, бизни ана шунга ўргатди. Партиямиз фаолиятининг жуда катта тажрибаси ана шундан далолат бериб турибди.

Партиявий ишга айни шундай ёндашиш хўжалик, сиёсий, тарбиявий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг гарови бўлиб, одамларни биргаликда курашиш ва меҳнат қилишга уюштириш, партиявий йўл-йўриқларимизни ҳаёт билан, меҳнаткашларнинг бебаҳо тажрибаси билан муттасил таққослаб туриш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Айтилган бу сўзлар барча партия ходимлари учун, улар бошланғич партия ташкилотларида, район ва шаҳар партия комитетларида, область ва республика миқёсида, КПСС Марказий Комитетида меҳнат қилишларидан қатъи назар, уларнинг барчаси учун тўғридир.

Бундай ёндашув илгари зарур бўлган бўлса, биз мамлакатимизни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг масъулиятли босқичига кирган, олдимизда янги мураккаб, аммо олижаноб вазифалар турган бугунги кунда икки карра ва уч карра зарурдир. Украинага, хусусан Днепропетровскка қилинган ҳозирги сафар, корхонангизда бўлишимиз айни шу билан боғлиқдир. Суҳбатимизнинг асосий мазмуни мана шундан иборат. Бундай суҳбатни уюштиришни мен республикангиз раҳбарларидан илтимос қилган эдим.

Лекин олдин меҳнат коллективингизнинг иши ва ҳаёти билан танишувимдан олган таассуротларимни сизлар билан баҳам кўрмоқчиман. Корхона меҳнатчилари билан ўтказилган суҳбатлар, кўрган ҳамма нарсалардан катта таассурот олганимни очиқ-ойдин айтмоқчиман. Ўтмиш ҳақида, бугунги ишларингиз ва келгусидаги режаларингиз ҳақида кўп қизиқарли нарсаларни билиб олдим.

Деярли бир асрлик тарихга эга бўлган завод революцион ва меҳнат анъаналарига бойдир. Металлург ишчилар 1905 йилда чоризмга қарши қуролли қўзғолоннинг ташаббускорлари бўлиб чиқишган эди. Революцион кураш жараёнида улар ўз республикасини барпо этдилар. Екатеринославда биринчи ишчи депутатлари советини тузидилар. Уларнинг мардлиги ва революцион шижоатини В. И. Ленин юксак баҳолаган эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ завод социализм қурилишлари учун металл етказиб берувчи катта манба бўлиб қолди, бу ерда мамлакатдаги кўпгина районларнинг металлургия корхоналари учун кадрлар тайёрланди.

Завод ишчилари Улуғ Ватан урушида ҳамда урушдан кейинги қурилиш йилларида юксак маънавий куч-ни ва қаҳрамонликни намоён қилдилар.

Завод, унинг коллективи тўлақонли ҳаёт кечирмоқда. 70-йилларда ишлаб чиқаришни техникавий янгилаш юзасидан олиб борган ишларингиз таҳсинга лойиқдир. Бу иш банд бўлган ишчилар миқдорини 40 процент камайтирган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш имконини берди.

Ишлаб чиқариш фаолияти инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш, уй-жой, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва соғлиқни сақлаш объектлари, дам олиш базалари, спорт иншоотлари қуриш, социал хизматни ривожлантириш масалаларига ҳамиша эътибор бериш билан моҳирона қўшиб олиб борилмоқда. Лекин шуни айтишим керакки, сизлар кўпроқ уй-жой қуришингиз, шу жумладан, ўз кучларингиз билан қуришингиз мумкин ва лозим. Заводда ёрдамчи хўжалик ташкил этилган бўлиб, у корхона ишчиларининг умумий овқатланишини яхшилашда дуруст омил бўлиб ҳисобланади.

Ходимларнинг умумий таълим ва махсус тайёргарлиги юксак даражада эканлиги коллективингизнинг муҳим ютуғидир. Ҳар ўн ишчидан тўққиз нафари олий, ўрта махсус ёки ўрта маълумотли эканлиги ажойибдир. Ишлаб чиқариш рационализаторлари салкам икки минг кишига боради.

Бу ишларнинг ҳаммасида корхона коллективи, унинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари хизмати катта эканлиги шубҳасиздир. Сизларнинг сафингизда меҳнат қилаётган икки ярим минг коммунист барча яхши ишлар ва ташаббусларнинг ҳақиқий, чинакам ташкилотчилари эканлиги сезилиб турибди.

Завод ҳақида, унинг ишлари ҳақида айтилган гаплар, табиийки, сизлар учун янгилик эмаслигини яхши тушунаман. Буларнинг ҳаммасини ўзларингиз яхши биласизлар. Лекин мен сизларнинг коллективингиз фаолиятида, унинг ютуқларида томчида қуёш акс этгани каби минг-минглаб бошқа корхоналаримизнинг, бутун мамлакатимизнинг ҳаётн акс этиб турганлиги учун ҳам шу ҳақда гапирмоқдаман. Эришилган ютуқларнинг эмас, балки вақт тақозо этаётган, экономика эҳтиёжлари, бутун совет жамияти талаб қилаётган янги вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ проблемалар ҳам айни бир хилдир.

Шу маънода бизнинг учрашувимиз Ватанимиз тарихининг масъулиятли даврида ўтаётганлигини муҳимдир. Ҳозир бизларнинг ҳаммамиз мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитетн апрель Пленуми ишлаб чиққан программани амалга ошириш билан машғулмиз.

Бу ишнинг мазмуни равшан: биз бундан буён ҳам совет кишиларининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, социалистик турмуш тарзини ҳар томонлама такомиллаштириш йўлидан боравериш, мамлакат мудофаасини лозим даражада ташкил этишни, халқаро майдонда социализм позицияларини мустаҳкамлашни истаймиз.

Бунинг учун экономикамизни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, уни янада самарали қилиш лозим, бизнинг меҳнатимиз эса янада юқори унумли бўлиши керак. Бунга қандай эришиш мумкин? Биз Марказий Комитет билан ҳукуматда: асосий йўл — фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан иборат деб ҳисоблаймиз.

Яқинда Марказий Комитетда шу масала юзасидан кенгаш бўлиб ўтди. Сизлар кенгаш якунлари ва асосий ғояларини яхши биласизлар деб ўйлайман. Назаримда, бу ерда такрорлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Фақат бир нарсани айтмоқчиман: кенгашда тараққиётимизнинг мамлакат тақдирига, умуман жамиятимиз ва ҳар бир совет оиласи фаровонлигига тааллуқли туб проблемалари бўйича очиқ-ойдин, талабчанлик билан, юз-хотир қилмай умумпартиявий нуқтаи назардан кенг гаплашиб олинди.

Кенгашга жуда пухта тайёргарлик кўрдик. Ишчилар, колхозчилар, олимлар, партия ва хўжалик раҳбарларининг фикрлари ва таклифлари ўрганилди. Москва ва Ленинградда меҳнат коллективлари ҳамда партия-хўжалик активи билан ўтказган учрашув ва суҳбатларимиз, КПСС Марказий Комитетига таклиф этилган бирлашмалар ва корхоналарнинг директорлари, мутахассислари билан қилган суҳбатларимиз кўп нарса берди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз экономикасининг аҳволини чуқур, ҳар томонлама асосли баҳолашга, танг жойларимизни ҳамда проблемаларимизни яхшироқ кўришга ёрдам берди.

Кенгаш совет экономикасининг етилган проблемаларини ҳал этишнинг кенг программасини илгари сурди. Гап, амалда, ўсишнинг янги сифати ҳақида, тараққиётимиз принципларини амалга оширишга янгича ёндашиш тўғрисида бормоқда. Катта, кенг қамровли вазифалар қўйилди. Барчага нисбатан ғоятда жиддий талаблар илгари сурилди.

Масалани жуда каттиқ қўймаяпмизми, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, бу ҳақда биз КПСС Марказий Комитетида кўп гапирдик. Бошқача ёндашиш— анчайин сиполик деймизми, бундай ёндашиш бизга тўғри келмайди. Вақт айни шундай ҳаракат қилишимизни тақозо этмоқда.

Яна бир нарсани назарда тутишимиз керак: биз бир йўла, бир вақтнинг ўзида кўп йўналишлардан боришимиз лозим. Акс ҳолда ишни жойидан қўзғата олмаймиз, ҳаракатимизни жадаллаштиришни таъминлай олмаймиз.

Бу фақат кенгаш қатнашчиларининг фикригина бўлиб қолмай, етилган проблемаларни муҳокама қилган барча кишиларнинг умумий фикридир. Шу сабабли кенгаш биз албатта ҳал қилишимиз керак бўлган, яқин вақтлар ичида ҳал қилишимиз керак бўлган проблемалар комплексини белгилаб берди.

Бундай ишлар ҳозироқ бошлаб юборилди. Халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи стратегик муҳим тармоқларини, энг аввало машинасозлик, электроника, электротехника, биотехнология ва бошқа тармоқларини ривожлантиришга капитал маблағ сарфлаш структурасини такомиллаштириш тадбирлари белгиланди. Фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ишлаб турган корхоналарни жуда қисқа муддатларда техникавий реконструкция қилишни амалга ошириш вазифаси қўйилди ва уни бажаришга киришилди.

Бошқариш ва планлаштиришнинг бутун системасини яхшилаш, халқ хўжалигининг пировард натижалари учун СССР Госпланининг масъулиятини ошириш, ўхшаш тармоқлар группаларини бошқариш органларини тузиш лозим бўлади. Бундай иш агросаноат комплекси ва машинасозлик тармоқларидан бошланади. Фан-техника тараққиётининг штаби бўлишга даъват этилган министрликларнинг роли ва масъулияти айни пайтда ўзгаради, улар мамлакат ва ҳалқининг олий сифатли маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришга эътиборни қаратишлари лозим. Шу муносабат билан бошқарув аппаратини қисқартириш ва соддалаштириш ишларини олиб бориш, ортиқча бўғинларни тугатиш кўзда тутилмоқда. Бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллиги ҳамда масъулиятини анча кенгайтириш, улгуржи нархлар системасини, бевосита алоқаларни такомиллаштириш, меҳнат коллективларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш кўзда тутилмоқда. Янги техниканн жорий этиш ва ишлаб чиқариш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, коллективлар учун фойдали бўлган шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилади.

Ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янги техника асосига кўчириш кадрларнинг билимига, малакасига нисбатан янги талаблар қўймоқда. Шу муносабат билан олий ва ўрта махсус таълимни жиддий равишда қайта қуриш жуда зарур бўлиб қолди. Халқ хўжалигида машғул бўлган барча кишиларнинг —ишчиларнинг ҳам, инженерларнинг ҳам, бошқарув мутахассисларининг ҳам малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш системасини пухта йўлга қўйиш лозим.

Кенгашда мана шуларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил гапирилди. Бу ишга биз ҳозирнинг ўзидаёқ киришдик. Бу иш Марказий Комитетда, ҳукуматда, план ва хўжалик органларида фаол олиб борилмоқда.

Партия экономикадаги ишларнинг аҳволига ошкора ва принципиал баҳо бериб, аниқ ҳаракат программасини ишлаб чиқканлиги, кадрларга нисбатан талабчанлик мамлакатда тўла-тўкис тушуниб кутиб олинмоқда, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Ишчилардан, колхозчилардан, инженер-техник ходимлардан, олимлардан КПСС Марказий Комитетига ва бошқа марказий органларга тушаётган хатлардаги фикр-мулоҳазалар улар партиянинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни йўлини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларидан, бу йўлни турмушга татбиқ этиш учун ҳамма ишни қилишга интилаётганликларидан дарак беради.

(Давоми иккинчи бетда).

* * *

Шу куни М. С. Горбачев Киевдан Москвага жўнаб кетди. Аэропортда уни В. В. Шчербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, республика Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, бошқа партия ва совет ходимлари кузатиб қолдилар.

* * *

Москвадаги аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

27 июнь куни КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг кенгаши бўлди. Халқ хўжалигини кузги-қишки даврга тайёрлаш билан боғлиқ ишларни кучайтириш соҳасида матбуот, телевидение ва радиоэшиттиришнинг вазифалари муҳокама этилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари В. И. Долгих доклад қилди.

1985—86 йил куз-қиш даврида халқ хўжалигини ҳамда аҳолини ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш, ёқилғи қазиб чиқариш, электр станцияларда, корхоналарда зарур ёқилғи запасларини вужудга келтириш планларини бажариш соҳасида партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг кўп қиррали ишларини матбуотда, телевидение ва радио орқали чуқур ҳамда мунтазам суратда ёритиб бориш зарурлигига эътибор жалб қилинди.

Темир йўлларда ёқилғи ва хом ашё ташишни кучайтиришга, энергетика машинасускуналари ремонтини жадаллаштиришга, янги энергетика қувватларини ишга тушириш 1985 йил планини бажаришга, уй-жой-коммунал хўжалигини кузги-қишки даврга тайёрлаш, ишлаб чиқаришда ва рўзғорда ёқилғи ҳамда энергияни тежаш ишларини кучайтиришга механизаторларни сафарбар этишда оммавий ахборот воситаларининг муҳим роли таъкидлаб ўтилди.

ВСР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 27 июнда Тошкентдан жўнаб кетди.

Вьетнам делегацияси шарафига Тошкент аэропортида ВСР, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари кўтарилди.

Ле Зуанни ва делегациянинг бошқа аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ВСРнинг ССССРдаги элчиси Динь Ньо Лием делегация билан бирга Москвага жўнаб кетди.

* * *

Вьетнам делегациясининг аъзолари Ўзбекистон пойтахтида бўлган вақтларида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар. Меҳмонлар метрополитен бўйлаб сайр қилдилар, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройини, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти туғилган кунннг юз йиллиги арафасида Марғилонда Йўлдош Охунбобоев мемориал музейи таъмирланганидан кейин яна очилди.

Музейда «Бугунги Марғилон» мавзуидаги икки зал қайтадан жиҳозланди. Залардан бирида ўзбек шойиси кўҳна пойтахтининг индустриал қиёфасини белгиловчи корхоналарга асосий ўрин ажратилган. Иккинчи зал экспонатлари шаҳар халқ маорифи, соғлиқни сақлаш системаси, маданиятининг равнақи ҳақида ҳикоя қилади. Янги экспозиция И. Охунбобоевнинг Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бирини йирик саноат ва маданият марказига айлантириш тўғрисидаги орзуси амалга ошганлигининг ёрқин далилидир.

(ЎзТАГ).

КИЕВДА РЕСПУБЛИКА АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Киев, 27 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда республика партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда ишлаб чиқилган қоидаларни амалга ошириш масалалари, 1985 йилги ва умуман беш йиллик социал-иқтисодий ривожлантириш планларини муваффақиятли адо этиш вазифалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. Бошқарувни, ташкилотчилик ҳамда снёсий иш формалари ва методларини такомиллаштириш, КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўриш масалаларига катта эътибор берилди.

Актив йиғилишида область партия комитетларининг биринчи секретарлари ва область ижроия комитетларининг раислари, Украина Компартияси Марказий Комитетининг, Украина ССР Олий Совети Президиумининг, Украина ССР Министрлар Советининг, Украина касаба союзлари республика Советининг, Украина ЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, республика министрликлари ҳамда идораларининг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, бир қанча бирлашмалар, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг, илмий муассасаларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий ахборот берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев актив йиғилиши қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда Донецк область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Миронов, Киев станкосозлик бирлашмасининг бош директори В. Н. Кальченко, Украина ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Украина ССР Фанлар академияси материалшунослик проблемалари институтининг директори В. И. Трефилов, «Донецкуголь» бирлашмасига қарашли «Трудовская» шахтаси тозалаш забойи кон ишчиларининг бригадири А. Д. Полишчук, Одесса область партия комитетининг биринчи секретари А. П. Ночевкин, Днепропетровск область Криничан районидаги «Украина» колхозининг раиси Е. Г. Журавель, Черкасси область партия комитетининг биринчи секретари И. К. Лутак қатнашдилар.

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА ИНТЕРВЬЮ

ХАЙР, МАКТАБ!

Ўрта мактабларни битирувчилар учун 1985 ўқув йили ниҳоясига етди. Улар энди коллективлар сафида меҳнат қилиш ва мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Барча мактабларда сўнгги битириш имтиҳонлари топширилди. Бугун мактабларда ўтказилган тантанали педагогика кенгашларида битирувчиларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестатлар топширилди. Бу йил мактабларни қанча ўқувчи битирмоқда, педагогика коллективлари ўқувчиларни катта ҳаётга қандай тайёрладилар? «Тошкент оқшоми» мухбири Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармаси бошлиғи. Ҳамидулла Қаюмович ЙЎЛДОШЕВга ана шу саволлар билан мурожаат қилди.

— Бу йилги битирувчилар мактабларидаги ўқишни ажойиб паллада — КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган йилда, мактаб ислоҳоти ҳаётга тадбиқ этилаётган дастлабки йилда битирмоқдалар. Ўрта мактабларни 16 мингдан ортиқ йигит ва қиз битирди. Шу нарса ибратлики, 11 минг ёш ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат билан бирга ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида малака эгаллаганликлари тўғрисида гувоҳномалар олишди. Бу ҳар бир ўқувчи завод цехига, электрон ҳисоблаш марказига, маиший хизмат кўрсатиш корхонасига меҳнат қилгани мумкин эканлигини англатади. Чунки, улар ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида ўргатилаётган 150 ихтисосликдан бирини эгаллаб олишган.

— **Бугун мактабларда байрам. Бу байрамда ўқувчиларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат тантанали тақдим этилади, улар ўз мактаблари, ўқитувчилари билан хайрлашадилар. Бу байрам қандай ўтказилади?**

— Байрам тантанали педагогика кенгашлари билан бошланади. Бу кенгашларда мактаблардаги интернационал дўстлик клубларининг музейларини яратишда иштирок этган, қизиқарли мунозаралар ва кечалар ўтказганларнинг ташаббускорлари бўлган, мактаб олимпиадалари ҳамда «Санъат байрам»ларида шуҳрат қозонган ўқувчиларга энг яхши истаклар билдирилади...

Бу йилнинг 400 битирувчисига олтин медаль топширилади, 4000 ўқувчига эса айрим фанларни эгаллашда яхши муваффақиятларга эришганлиги учун мақтов ёрлиқлари топширилади. Чуқур ва мустаҳкам билим эгаллаб, актив ҳаётий позицияда тарбияланган ёшларимиз катта ҳаётга қадам қўймоқдалар.

ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда).

Совет кишилари бунга катта умид боғламоқдалар. Меҳнаткашларнинг ижтимоий ишлардаги манфаатдорлиги ошмоқда, одамларнинг кайфияти кўтарилмоқда. Мамлакатимизда кўпчиликни ташкил этувчи ҳалол ва меҳнатсевар кишиларнинг ишлари мароқли, ҳаётлари яхшироқ бўлишига ишончлари мустаҳкамланмоқда.

Кенгаш якунлари социалистик мамлакатларда, коммунистик ва ишчи партияларда зўр эътибор билан кутиб олинди. Мамлакатимиз экономиканинг етук проблемаларини социалистик тузумнинг асосий афзалликларини ва аввало планли экономиканинг жуда катта имкониятларини янада ривожлантириш ва улардан тўлиқроқ фойдаланиш йўли билан, жамият барча табақаларининг социалистик турмуш тарзини, совет демократиясини янада такомиллаштиришдан манфаатдорлиги йўли билан ҳал этишга интилаётганлиги алоҳида уқтириб ўтилмоқда.

Совет халқи маъқуллаётган тинчлик режаларимиз антисоветчиларнинг совет экономикаси гўё демократик эмас, у жўшқин экономика эмас, гўё бу экономика ҳозирги замон фан-техника тараққиётининг кенг миқёсли проблемаларини ҳал этишга қодир эмас, деган уйдирмаларига қаттиқ зарба уради.

Табиийки, фикр ва мулоҳазалар ҳар хил, аммо уларнинг ҳаммаси битта нарсадан далолат беради: биз ўзимизнинг янги вазифаларимиз ҳақида ошкора ва амалий тарзда гапириб, тўғри йўлдан катта қадам қўйдик, мамлакатни тарихий миқёсдаги силжишларни амалга оширишга йўналтирадиган тадбирларни белгиладик.

Бироқ тўғри сиёсатни ишлаб чиқиш, тўғри йўлни бошлаш, яхши қарорлар қабул қилишнинг ўзи билан иш битмайди. Асосий вазифа бу қарорларнинг бажарилишини ташкил қилишдан, ишни бошлаб юборишдан иборат. Таъкидлаб айтаманки, айнан ишни бошлаб юбориш керак. Реал амалий ишлар белгиланган тадбирларнинг тўғрилиги ҳақидаги дабдабали сўзларга ғарқ бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Юқоридан қандайдир янги кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар берилишини кутиб, сусткашлик қилинишини кечириб бўлмайди. Шу бугуноқ, ҳозирнинг ўзида ва ҳаммамиз биргалашиб ҳаракат қилиб, хўжаликнинг барча бўғинлари куч-ғайратларини азим дарё қилиб қўшиб юборайлик. Ҳар биримиз ўзимизни янгича ишлашга, ишни яхшилашга, зўр масъулият ва куч-ғайрат билан меҳнат қилишга шайлашимиз керак. Консерватизм ва беғамликка, уюшқоқсизлик ва исрофгарчиликка, бюрократизм ва сансалорликка йўл йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак.

Яқинда Сиёсий бюро кенгаш якунларини кўриб чиқди, бу якунларни якдиллик билан маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди. Шу тариқа кенгашнинг ғояларига, хулосаларига, амалий тадбирларига партиявий ҳужжат кучи бахш этилди ва биз ишимизнинг навбатдаги, жуда муҳим босқичига—ишлаб чиқилган стратегияни рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий фаолият босқичига кирдик.

Боя айтганимдек, юқори эшелонларда бундай иш бошланди, КПСС Марказий Комитети эса бу ишнинг боришини қаттиқ назорат қилиб туради.

Шу билан бирга ишнинг муваффақияти, барча янги ишларимизнинг натижалари ишчиларга, деҳқонларга, зиёлиларга боғлиқ. Пировард натижада ҳамма нарса цехларда ва қурилишларда, прокат станларида ва автоматлаштирилган линияларда, дала ва фермаларда, илмий лабораторияларда ва конструкторлик бюроларида ҳал қилинади. Биз халқнинг жонли ижодкорлигига, миллион-миллион кишиларнинг турмуш ҳамма соҳаларида яхшилик сари бўладиган ўзгаришларга манфаатдорлик билан қарашига таянмай туриб тараққиётимизни жадаллаштира олмаймиз. «Социализм юқоридан берилган кўрсатмаларга мувофиқ вужудга келтирилмайди, — деб таълим берган эди В. И. Ленин. — Расмий-бюрократик автоматизм социализмнинг руҳига ётдир; жонли, ижодий социализм халқ оммасининг ўзи яратган социализмдир».

Меҳнаткашлар оммаси ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга киришишлари, бу вазифаларни ўз иши деб ҳис этишлари муҳимдир. Партия биринчи навбатда ишчилар синфига мурожаат этади. Ленин ишчилар синфини социализмнинг мустаҳкам таянчи деб, дадил ташаббусни зиммасига ола биладиган, умумхалқ, умумдавлат проблемаларга қандай ёндашиб, уларни қандай ҳал қилиш намунасини кўрсатишга қодир бўлган куч деб коммунистларни шундай қилишга ўргатган эди.

Ишчилар синфининг зўр сиёсий тажрибаси, унинг идеологияси, юксак онглилиги, иродаси, интизоми, камчиликларга нисбатан пролетарча муросасизлиги, социал адолат туйғуси бутун жамиятимизни уюштириб, жипслаштириб турибди, комил ишонч ва умид билан олға бориш имконини бермоқда. Партия ишчилар синфининг авангардлик ролини юксак баҳолайди, унинг ишончи ва мададини қадрлайди. Партия ўзининг ишчилар синфи билан алоқаларини мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилади.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини зўр ғайрат билан ўтказаверади, деб Марказий Комитет ишонади. Ҳозирнинг ўзидаёқ самарадорлик ва сифатни оширишнинг ҳамма резерв ва имкониятларини ишга солиш зарур. Бу гапни таъкидлаётганимнинг сабаби шуки, ҳозир контрол рақамлар асосида тармоқларда ва республикаларда, бирлашмаларда, корхоналарда ўн иккинчи беш йиллик плани устидаги иш қизғин тус олмоқда.

Бу ишга чинакам амалий, умумхалқ миқёсида тус бермоқ лозим. Асосий йўналишларнинг топшириқлари заминига мустаҳкам моддий негиз яратиш, бу йўналишларни бажариш юзасидан реал ва самарали, айни реал ва самарали тадбирларни ишлаб чиқиш керак. Ҳозир бу энг муҳим иқтисодий, социал ва сиёсий вазифадир.

Украина ССР ишчилари, колхозчилари, зиёлиларидан, унинг партия ташкилотидан бизнинг умидимиз катта. Республика меҳнаткашлари ўз индустрияси, қишлоқ хўжалиги, фани ва маданияти билан ҳақли равишда фахрланадилар. Республика мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратига салмоқли ҳисса қўшмоқда. У миллий даромаднинг қарийб бешдан бир қисмини, қазиб олинаётган кўмирнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғини, пўлат ва прокатнинг учдан бир қисмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг анчагина қисмини бермоқда. Ҳар бир муваффақият умумхалқ бойлигига катта ҳисса қўшилганини билдиради, аммо ишдаги ҳар бир адашиш ҳам айниқса, сезиларли бўлади.

Украина экономикаси узлуксиз олға бормоқда, бироқ ишни яхшилаш резервларимиз ҳам кўп. Ўн иккинчи беш йилликни лойиҳалаштиришда республика бўйича анча юқори марралар белгиланмоқда. Саноат маҳсулоти, ҳажми, айниқса, машинасозлик ва металл ишлаш, химия ва нефть химияси саноати соҳасида анча ортади. Энергетикани ривожлантиришга катта эътибор берилган. Агросаноат комплекси тармоқларини юксалтириш кўзда тутилмоқда.

КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда СССР Қора металлургия министрлигининг иши қаттиқ танқид қилинганини биласизлар. Бу—республика министрлиги шаънига ҳам қилинган танқиддир. Чунки металл маҳсулоти ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги қарзнинг катта қисми республикангиз корхоналарига тўғри келади.

Кейинги беш йилликларда қора металлургия планларни бажармаяпти. Ҳозир бу тармоқ халқ хўжалигининг иш маромини тез-тез бузиб турибди. Бу аҳвол шу пайтгача номақбул эди. Ватанимиз машинасозлиги олдида жуда катта вазифалар турган ҳозирги пайтда бу аҳволга айниқса йўл қўйиб бўлмайди.

Вужудга келган аҳволнинг сабаби тармоқнинг асосий фондлари суст янгиланишидадир. Айни вақтда бу фондларни ремонт қилишга жуда катта маблағ сарфланмоқда. Янги илғор машина-ускуналарни ва технология жараёнларини ўзлаштиришдаги, металл маҳсулотининг бир мунча тежамли ва юқори сифатли турларини ишлаб чиқаришдаги сусткашлик ташвиш туғдирмоқда.

Янги техника объектлари суст қурилмоқда. Мана, Сизларнинг заводингизда ҳам ўртача навли «550» янги стан 5 йилдан бери қурилмоқда, шу давр ичида унинг смета қийматидан атиги учдан бир қисмигина ўзлаштирилди.

Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қора металлургияни техника билан қайта қуроллантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарорда тармоқнинг ишлаб чиқариш фондларини тубдан яхшилашга, уни интенсив омилларни ишга солиш негизида сифат жиҳатидан янги техникавий поғонага кўтаришга доир тадбирларнинг кенг комплекси белгиланган.

Келгусидаги ишларнинг миқёси жуда катта. Ўн иккинчи беш йилликда заготовкаларни узлуксиз қуювчи машиналарни ишга тушириш ва шу илғор усулда пўлат қуйишни икки ҳисса кўпайтириш, дастлабки беш йилликлар даврида қурилган корхоналарни реконструкция қилиб ва техника билан қайта қуроллантириб, мартен печларини конверторлар ва электр ёрдамида пўлат эритиш печлари билан алмаштириш, бошқа катта тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Айни вақтда социал масалаларни ҳал қилиш — меҳнатни механизациялаш даражасини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳам кўзда тутилганлиги муҳимдир. Сизлар шунга асосланиб, заводни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқишингизга тўғри келади.

Заводдаги суҳбат чоғида заводни тубдан реконструкция қилиш ҳақида кўп гапирилди. Эҳтимол тутилган вариантлар айтилди, дастлабки ҳисоб-китоблар кўрсатилди. Аммо йиллар ўтмоқда, узил-кесил вариант эса ҳамон йўқ. СССР Қора металлургия министрлиги, Госплани етилган масалани тезроқ ҳал этишлари керак. Аммо Сизларнинг ролингиз ҳам иккинчи даражали эмас, янада зўр ғайрат билан ҳаракат қилиш лозим.

Оғир жисмоний ва оз малакали қўл меҳнатини қисқартиришга диққат-эътиборни қаратмоқчиман. Корхонангизда бу проблема билан актив шуғулланилаётганлигини биламан. Аммо шундай бўлса ҳам ишларнинг аҳволи Сизларни қаноатлантирмаслиги керак. Корхонангиздаги ҳар беш ишчидан бири ҳамон қўл меҳнати билан машғул. Бундай меҳнатнинг улушини минимум даражага келтиришга ҳаракат қилиш зарур.

Ҳозир резервларни қидириб топиш ва ишга солиш соҳасидаги иш ҳамма жойда авж олиб бормоқда, деди сўнгра М. С. Горбачев. Асосий восита — фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан иборат, албатта. Модомики, шундай экан, вақтни ўтказмай, ҳар бир бирлашмада, ҳар бир корхонада фан ва техниканинг энг янги ютуқларининг, илғор тажрибанинг ўзлаштирилишини таъминлаш учун ҳамма ишни қилиш лозим.

Шу билан бирга ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш осон иш эмас ва уни айни бир вақтда ҳамма жойда амалга ошириш қийин. Шу сабабли ўн иккинчи беш йилликда, айниқса унинг дастлабки йилларида ҳамма имкониятлардан фойдаланиб ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини ошириш керак. Бундай имкониятлар эса ҳамма жойда, барча участкаларда ва иш жойларида бор.

Аввало тартиб ўрнатиш, масъулиятни ошириш, интизомни мустаҳкамлаш ҳисобига қўлга киритилган ҳамма натижалардан яхшироқ фойдаланиш мана шундай имкониятлар жумласига киради. Фақат шу йўл билан бирон бир чиқим қилмай кўпгина корхоналарда меҳнат унумдорлигини анчагина ошириш мумкин. Чунончи, СССР Марказий Статистика бошқармаси Одесса фрезер станоклари заводида махсус кузатиш ўтказган куни бу ерда меҳнат унумдорлиги 19 процент кўтарилди. Резервларимиз нақадар катталигини тузукроқ ўйлаб кўринг, ўртоқлар.

Ишнинг бошқа соҳаларида ҳам бундай резервлар кўп. Ҳозир ёқилғи, хом ашё ва материалларни тежашдан ҳам актуалроқ вазифа бўлмаса керак. Булар бизга тобора қимматга тушмоқда. Ишлаб чиқариш миқёслари ўсган сайин тежашнинг аҳамияти оша боради. Биз бўлсак, ёқилғи, ёғоч, цемент, турли хом ашёдан яхши фойдаланаётганимиз йўқ. Металлни ҳам эҳтиёт қилиш керак. Сизлардаги ишлаб чиқариш жараёнида бир талай нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда, истеъмолчига зарур турдаги металлни бермаслигингиз оқибатида машинасозлар прокатни ортиқча сарфламоқдалар. Кўпгина металл занглаш, ўз ўрнида ишлатилмаслиги оқибатида исроф бўлмоқда.

Ҳар қандай исрофгарчилик — ўзидан, бутун жамиятдан ўғирлаш демакдир, бу — одамларнинг фаровонлигини ошириш йўлидаги тўсиқдир. Ёқилғи, энергия, хом ашё ва материаллар сарфини атиги бир процент камайтириш йўли билан биз миллий даромаднинг ўсишини қарийб етти миллиард сўм миқдорида кўпайтиришимиз мумкинлигини билиш керак. Бу маблағ билан юз минглаб янги квартира, поликлиникалар, болалар боғчалари, мактаблар қуриш мумкин.

Бизнинг имкониятларимиз ва резервларимиз маҳсулот сифатини ошириш билан ҳам боғлиқ, албатта. Маҳсулот сифатининг пастлигини ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир киши сезиб турибди. Ишлаб чиқаришдаги машина-ускуналарнинг пухта ишламаслиги ҳам, рўзғор техникасини ремонт қилишга кетадиган вақт ва маблағ ҳам, кўпгина товарларнинг ташқи кўриниши қониқарли эмаслиги ҳам шу жумлага киради.

Маҳсулотнинг сифатини тубдан яхшилаш ҳозир биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу соҳадаги мавжуд резервлар кўп жиҳатдан бамисоли қўл урилмаган қўриқдек ётибди, ҳолбуки улардан фойдаланиш учун, баъзан бирор арзигулик чиқим қилиш талаб этилмайди.

Проблемани ҳал қилиш учун аввало технология интизомига риоя этиш, ҳар бир меҳнатчи ўз вазифаларини юксак масъулият туйғуси билан бажариши зарур. Шу билан бирга биз маҳсулот сифатини яхшилаш учун иқтисодий таъсир чораларини кучайтириш ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак, деб уқтирди М. С. Горбачев.

Хуллас, қаерга қараманг, жуда катта резервлар бор. Бу резервлардан фойдаланиш кўп жиҳатдан планлаштириш билан, моддий-техника таъминоти билан, умуман бошқарув билан боғланган. Бу — тўғри. Аммо кенг жабҳа бўйлаб олға интилмоқ керак. Амалий ишларга ҳамма киришиши лозим. Халқ мулкини эҳтиёт қилиш, чиқим билан натижани тўғри ҳисоблаш, анализ қилиш ва таққослашни, тежамли хўжалик юритишни ўрганиш зарур.

Партия совет халқини зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилишга чақирар экан, битта мақсадни — одамларимизнинг турмушини яхшироқ қилишни кўзлайди. Мамлакатда битта хўжайин бор, у ҳам бўлса меҳнаткаш инсондир, модомики шундай экан, ҳамма иш мана шу инсоннинг манфаатлари йўлида қилинмоқда. Моддий ва маданий эҳтиёжлари ошиб бораётган инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш планларимизнинг бош мазмуни бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Биз ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини белгилаётганимизда мана шунга асосланиб иш тутамиз. Халқ фаровонлиги янги поғонага кўтарилиши, совет кишилари турмуши шароитларининг бутун комплекси — уй-жой ва меҳнат шароитлари, хизмат кўрсатиш ва товарлар, пенсия таъминоти ва маънавий ривожланиш яхшиланиши керак.

Сўнгра М. С. Горбачев ўз нутқида ташқи сиёсатга тўхталиб ўтди. Совет кишилари, деди у, партиямиз билан ҳукуматимиз тинчликни ҳимоя қилиш, еримизни ядро ҳалокатидан омон асраш учун нақадар зўр куч-ғайрат сарфлаётганликларини яхши биладилар. В. И. Ленин ўз вақтида социалистик давлатнинг принципиал позициясини жуда яхши ифодалаб, «...тинчлик йўлида қўлимиздан келган ҳамма нарса қилиш учун ишчиларга ва деҳқонларга ваъда берамиз. Биз буни бажарамиз», — деган эди.

Ўша пайтдан бери кўп йил ўтди. Халқимиз бир талай оғир йилларни бошдан кечириб, энг кўп қон тўкилган уруш синовларидан ўтди. Давлатимиз йил сайин кучлироқ, қудратлироқ бўлиб бораверди. Ҳозир у ҳар қандай агрессорга муносиб зарба беришга тайёр бўлиб турган жаҳондаги буюк давлатдир. Аммо бугун ҳам биз ишчиларга ва деҳқонларга тинчлик йўлида ҳамма ишни қилишга ҳар қачонгидан ҳам қаттиқроқ ваъда берамиз ва шундай қиламиз ҳам.

Биз кескин даврда яшаяпмиз. Буни Сизлар кўриб турибсиз. Юз минглаб кишиларнинг ҳаёт-мамоти уруш оловини ёқувчиларни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлинадими ёки йўқми эканлигига боғлиқ, умуман бутун инсониятнинг тақдири шунга боғлиқ.

Вужудга келган шароитда халқаро тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал қилар эканмиз, биринчи галда социализм мамлакатларининг жаҳон майдонидаги позицияларини мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳақида ўйлашимиз керак. Биз айни шундай қилишга интиляпмиз. Бунда гап Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини, иқтисодий интеграциясини чуқурлаштириш ҳақида бормоқда. Яхши йўлга қўйилган ихтисослаштириш ва ишлаб чиқариш кооперацияси, фан ва техникани ривожлантириш соҳасидаги актив ўзаро алоқалар бутун ҳамдўстлигимизни ва унда қатнашувчи ҳар бир мамлакатни иқтисодий жиҳатдан бақувватроқ, мудофаа соҳасида янада кучлироқ қилади, ҳозир Ғарб томонидан социализм мамлакатларига нисбатан зўр бериб ўтказилаётган иқтисодий тазйиқ сиёсатини йўққа чиқаради.

Қардошлик иттифоқимизнинг сиёсий ва мудофаа негизи бўлмиш Варшава Шартномасининг амал қилиш муддати апрель ойида яна 20 йилга узайтирилганлиги катта воқеа бўлди. Бу воқеа тинчлик йўлида биргаликдаги курашимизни янада кўпроқ кучайтириш учун шарт-шароит яратади. Ўртоқлар, умуман айтганда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб ва чуқурлашиб бормоқда, уларнинг сиёсий раҳбарлари ўртасидаги алоқалар самаралироқ бўлиб бормоқда.

Бу — катта иш. Биз бу жараёнга ҳар томонлама кўмаклашишга интилаверамиз.

Мен Хитой Халқ Республикаси билан муносабатлар ҳақида гапирган эдим. Тарқоқликдан ва айниқса нодўстона муносабатлардан, шубҳагумонлардан бирон томон манфаат кўрмаслигини, яхши қўшниларча ҳамкорлик эса мутлақо мумкин ва матлуб эканини иккала томонга замон кўрсатди, деб ўйлайман. Биз ўз томонимиздан совет-хитой муносабатларида бир талай сунъий қуйқаларни вужудга келтирган салбий давр тўла-тўкис бартараф этилишига актив кўмаклашиш ниятидамиз. Пировард натижада худди шундай бўлиб чиқишига аминман.

Яқиндагина мустамлакачилик ёки ярим мустамлакачилик қарамлигидан халос бўлиб, мустақил ривожланиш йўлига кирган давлатларнинг халқаро турмушда узлуксиз ўсиб бораётган роли дунёнинг ҳозирги қиёфасини белгилаб турибди. Жаҳон ривожидаги кўп нарса шу мамлакатларнинг тақдири қандай таркиб топишига, бирмунча ривожланган давлатлар улар билан муносабатларни қандай қуришларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Совет Иттифоқи учун бу масала мутлақо равшан. Биз мустамлакачиликдан халос бўлган халқларни тинчлик ва тараққиёт иши учун курашдаги дўстлар ва тенг ҳуқуқли шериклар деб биламиз, уларнинг ўз суверенитетини қарор топтириш, ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш муддаоси билан тўла-тўкис бирдаммиз. Биз тенг ҳуқуқли ҳамкорлик доирасида ва ўз имкониятларимизга кўра уларнинг илғор миллий экономикасини барпо этишларига кўмаклашяпмиз.

Хуллас, биз озодликка чиққан мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли дўстона ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун ҳамма ишни қиляпмиз ва қилаверамиз. Бизнинг Ҳиндистон, Сурия, Никарагуа сингари мамлакатларнинг раҳбарлари билан яқинда ўтказган учрашувларимиз ҳамда музокараларимиз ҳам шу мақсадга хизмат қилди. Социал тараққиёт билан миллий озодликнинг иттифоқи — инсониятнинг яхши келажаги гарови деб ҳисоблаймиз.

Империалистик давлатлар принципиал жиҳатдан бошқача сиёсат ўтказмоқдалар. Улар асрлар давомида мустамлакаларнинг меҳнатини эксплуатация қилиб, уларнинг табиий ресурсларини талаб келганлар, уларнинг халқларини қашшоқликка дучор қилганлар. Эндиликда ҳам уларни капитализм системасига боғлаб қўйишга, бу ишни ҳамма воситалар — иқтисодий, ҳарбий воситалар ёрдамида, дўқ-пўписа ва чўчитиш, садақа бериш ва сотиб олиш йўли билан ўтказишга уринмоқдалар. Бу мамлакатларнинг кўплари маҳкам қарз сиртмоғига илинтирилган. Бу сиртмоқ тобора қисиб тортилмоқда. Ёш давлатлар ўз мамлакатларида қандай сиёсат ўтказишлари кераклигини белгилаб беришга интилмоқдалар. Ёқмай қолган ёки итоатсиз арбобларни ағдариб ташламоқдалар ва ўлдирмоқдалар. Бу мустамлакачилик сиёсатини ўтказаётган «эркин дунё» деб аталган давлатларнинг оддий практикасидир.

Айни капитализм агрессив кучларининг барча давлатларнинг суверенитет ва мустақилликка, ўз ривожланиш йўлларини эркин белгилашга бўлган ҳуқуқини амалда тан олишни хоҳламасликлари, ўз хоҳиш-иродаларини тиқиштиришга, қандай қилиб бўлмасин ҳозирги дунёни ўз йўсинида қайта қуриш ва ўзгартиришга уринишлари — айни шу нарсалар ҳозир халқлар учун энг катта хавф-хатар манбаидир, ялпи тинчликка солинаётган энг катта хавфдир.

Бутун дунёни чулғаб олган қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролларнинг ғамлаб қўйилган запасларини қисқартиришга ўтиш ҳозир энг муҳим масаладир, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Башарти капиталистик дунё, албатта, СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан тажовузкорлик режаларидан воз кечса, биз у билан нормал муносабатлар қуриш учун ядро қуролига ва бошқа қуролга принцип жиҳатидан муҳтож бўлмаймиз.

Биз капитализм билан нуқул тинчлик, бунёдкорлик фаолиятида мусобақалашишга тайёрмиз. Шу сабабли биз капиталистик мамлакатлар билан сиёсий мулоқот ва ўзаро алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни кенг миқёсда ривожлантириш тарафдоримиз, бу муносабатларни барқарор, узоқ муддатли асосда ривожлантиришга тайёрмиз. Аммо бу — ҳеч қандай камситишсиз, ҳалол, чинакам манфаатли алоқалар бўлиши керак. Масалан, савдо-сотиқдан бизнинг ички ишларимизга аралашиш учун фойдаланишга уриниш беҳуда иш. Бизга бундай савдо-сотиқ керак эмас, биз усиз ҳам яшай оламиз.

Биз қуролланиш пойгасини тўхтатиш тўғрисидагина эмас, шу билан бирга қурол-яроғларни жуда кўп миқдорда қисқартириш ҳатто тўла ва батамом қуролсизланиш ҳақида аҳдлашиб олишга тайёрмиз. Ўзларингизга маълумки, ҳозир Женевада бизнинг мамлакатимиз билан АҚШ ўртасида музокаралар давом этмоқда. Совет раҳбарларининг фикрича, бу музокараларнинг вазифаси ердаги қуролланиш пойгасини тўхтатишдан ва космосда бундай пойгага йўл қўймасликдан иборат. Биз амалда шу мақсадларга эришиш учун музокара бошладик. Бироқ АҚШ маъмурияти ва шу маъмурият хизмат қилаётган ҳарбий-саноат комплекси айни шундай бўлишини хоҳламаётганликлари кўриниб турибди. Чамаси, жиддий аҳдномаларга эришиш уларнинг режасида йўққа ўхшайди. Улар социализм мамлакатларидан устунликка эришиб олиб, уларга ўз хоҳиш-иродасини мажбуран қабул қилдириш умидида оммавий қирғин қуролининг тобора янги-янги турларини зудлик билан яратишнинг жуда катта программасини амалга оширишни давом эттирмоқдалар.

Американликлар Женевада қуролланиш пойгасини тўхтатиш хусусида жиддийроқ таклиф киритиш бир ёқда турсин, балки, аксинча, қуролланиш пойгасини тўхтатишни иложсиз бир ишга айлантириб қўядиган чораларни кўрмоқдалар. Мен «самовий урушлар» деб аталган программани, зарбдор космик қурол яратилаётганлигини назарда тутяпман. Бу программа гўё «мудофаа» мақсадини кўзлайди деган гап-сўзлар гўл одамлар учун тўқилган эртакдан бошқа нарса эмас. Асосий мақсад Совет Иттифоқининг стратегик қуролини пучга чиқаришга, ўзлари учун бизнинг мамлакатимизга жазосиз ядро зарбаси уриш имкониятини таъминлаб олишга уринишдан иборат.

Масаланинг моҳияти мана шундан иборат, биз буни эътиборга олмаслигимиз мумкин эмас. Башарти Совет Иттифоқи космосдан реал хавф остида қолдириладиган бўлса, у бунга самарали равишда қарши ҳаракат қилиш усулини топади. Бунга ҳеч ким шубҳаланмай қўя қолсин. Буни мен мутлақо аниқ-равшан қилиб айтаяпман. Ҳозирча бир нарса равшан: Американинг космосни ҳарбийлаштириш программаси Женевада тегишли аҳдномаларга эришиш йўлини тўсиб турган қалин девор ролини ўйнамоқда.

АҚШ маъмурияти ўзининг урушқоқлик сиёсати билан инсоният олдида зиммасига оғир масъулият оляпти. Шуни ҳам айта оламанки, башарти у бирмунча оқилона позицияда туришга азм қилса, иккала томоннинг ядро қуроли запасларини чиндан ҳам кўп миқдорда, тубдан қисқартириш тўғрисида ўзаро мақбул битим ҳақида гап бошланган бўлур эди. Бу қуролни батамом тугатиш, ядро уруши хавфини йўқ қилиш йўли очилган бўлур эди, ер юзидаги барча халқлар шуни орзу қилмоқдалар.

Башарти, Женевадаги музокарадошларимиз ўз йўлини давом эттираверсалар—делегацияларнинг мажлисларида вақтни чўзиб, ўзлари муҳокама қилиш учун тўпланган масалаларни ҳал этишдан бўйин товлайдиган, космосда ҳам,ерда ҳам, денгизларда ҳам ўзларининг ҳарбий программаларини жадаллаштириш учун шу вақтдан фойдаланадиган бўлсалар, —унда, биз, албатта, бутун вазиятни қайтадан баҳолашимизга тўғри келади. Биз музокаралардан кўзни чалғитиш учун, АҚШнинг стратегик устунлигини, жаҳонга ҳукмрон бўлиб олиш йўлини таъминлаш мақсадини кўзловчи ҳарбий тайёргарликларни ниқоблаш учун яна фойдаланилишига асло йўл қўя олмаймиз. Бу режаларга зарба беришда бутун дунёдаги чинакам тинчликсевар кучлар бизни қўллаб-қувватлашларига, совет халқи бизни қўллаб-қувватлашига ишончим комил.

Партия Марказий Комитети зўр мамнуният билан қайд этадики, совет халқи бизнинг тинчликсеварлик руҳидаги ташқи сиёсатимизни тўла-тўкис тушуниб, маъқуллаб кутиб олмоқда. Бироқ энг муҳими шуки, совет кишилари бу сиёсатни маъқуллабгина қолмай, уни ўз ишлари билан, ўз меҳнати билан мустаҳкамламоқдалар. Бу меҳнат нақадар муваффақиятлироқ бўлса, Ватанимиз шу қадар бадавлат ва бақувват бўлади, унинг ялпи тинчлик ва инсоният тараққиёти ишига қўшадиган ҳиссаси шу қадар салмоқлироқ бўлади.

Партия ўзининг XXVII съездига амалий тарзда тайёргарлик кўриб, уни ишчанлик билан ўтказиши лозим, деди КПСС Марказий Комитети Бош секретари. Бу давр зўр ғайрат билан ишлайдиган, масъулиятли қарорлар қабул этадиган даврдир. Мана шундай масъулиятли даврда Ильич партия билан мамлакатнинг ишини қандай тушунганлигини эслаш ибратлидир. РКП(б) IX съезди арафасида у бу хусусдаги мулоҳазаларни айтди ва охирида шундай хулоса чиқарди. «Амалий тажрибани шунинг учун ҳисобга олиш лозимки, зарарли нарсалар чиқариб ташлансин, барча қимматли нарсалар тўплансин... биз ҳозирги пайтнинг вазифасини ва партия съездининг вазифасини ана шундай деб тушунамиз», деб ёзган эди Ленин.

Биз съездимизга ҳар бир меҳнат коллективида-завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, илмий институтлар ва конструкторлик бюроларида, бутун мамлакатда айни шундай ҳозирлик кўришимиз лозим. Ленин таълим берганидек, ортиқча гап-сўзларсиз зўр ғайрат, қатъият ва изчиллик билан, айни шундай тайёргарлик кўришимиз керак.

Пировардида М. С. Горбачев завод ишчилари бу ўртоқлик учрашувига қизиқиб қараганликлари учун, Марказий Комитетнинг йўлини, Марказий Комитет Сиёсий бюроси билан Совет ҳукуматининг фаолиятини ишчилар синфига хос равишда қўллаб-қувватлаганликлари учун уларга миннатдорчилик билдирди. У залда ҳозир бўлган кишиларга, корхонанинг барча меҳнаткашларига, уларнинг оилаларига меҳнатда ва ўқишда муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, турмушда бахт-саодат тилади.

(Ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди).

Учрашувда сўзга чиққан домна цехининг мастери И. В. Коробов, Днепропетровск металлургия институтининг ректори, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги Ю. Н. Таран-Жовнир, навли прокат цехининг вальцовкачиси, партия группаси ташкилотчиси С. И. Антипов, область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Бойко меҳнат коллективларининг ишни тубдан яхшилашга, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришга, одамларнинг уюшқоқлиги, интизомини, топширилган иш учун масъулиятни оширишга азму қарор берганликлари ҳақида гапирдилар. Шаҳар ва область меҳнатчилари, дейишди улар, КПССнинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини якдиллик билан маъқулламоқдалар ва бу йўлни самарали меҳнат билан қўллаб-қувватлаш учун бутун кучни сарфламоқдалар.

Учрашувда Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, республика Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко ҳозир бўлдилар.

* * *

М. С. Горбачев тушдан кейин «Южный машиностроительный завод» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. Корхонанинг бош директори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Макаров, мутахассислар, новатор ишчилар Михаил Сергеевичга коллектив фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлаш йўлида нималар қилаётганлиги ҳақида гапириб бердилар. Бу иш конкрет натижалар беряпти. Чунончи, бирлашма ишлаб чиқараётган «ЮМЗ—6К» универсал чопиқ трактори ҳақида деҳқонлар яхши фикр билдирмоқдалар: машина пишиқ-пухта, қулай, бир қанча ишлар комплексини бажара олади. СССРнинг кўпгина районларида ундан фойдаланилмоқда, бу машиналар қирқдан зиёд мамлакатга экспорт қилинмоқда. Коллектив келгуси беш йилликнинг биринчи йилида шу машиналарни ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш мажбуриятини олди. Айни вақтда мотор ресурси оширилган янги, янада мукаммал тракторни кўплаб ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

М. С. Горбачев ва В. В. Щербицкий ўртоқлар шаҳар аҳолиси билан учрашиб, суҳбатлашдилар.

Улар В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Шу куни М. С. Горбачев билан В. В. Щербицкий Киевга қайтиб келишди.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ЛЕКЦИЯЛАР, ДОКЛАДЛАР ВА СУҲБАТЛАРНИНГ

НАМУНАВИЙ ТЕМАТИК ПЛАНИ

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа.

Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — ҳаёт талаби.

Камроқ чиқим қилиб, юксакроқ марраларни эгаллайлик.

Инвестиция ва структура сиёсатини қайта қуришнинг энг муҳим проблемалари.

Корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш — ғоят муҳим вазифа.

Сермеҳнат жараёнларни механизациялаш соҳасида бизнинг корхонамизда қандай ишлар бажарилган?

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш — техника сиёсатининг энг муҳим йўналиши.

Ҳар бир меҳнат коллективида табиий ресурслардан ва хом ашёдан оқилона ҳамда комплекс равишда фойдаланилсин.

Тежамкорлик режими — умумпартиявий, умумхалқ иши.

Бизнинг меҳнат коллективимизда тежамкорлик топшириқлари қандай бажарилмоқда?

Ресурсларни тежаш — инвестиция сиёсатининг бош йўналишларидан бири.

Фан-техника тараққиёти талаблари асосида капитал қурилиш вазифалари.

Фан-техника революциясини амалга оширишда машинасозликнинг ғоят муҳим роли.

Замонавий технология — фан-техника тараққиётининг муҳим бўғини.

Ахборот индустрияси — фан-техника тараққиётининг тезлатгичи.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий материалларнинг сифатини ва улардан фойдаланишни яхшилаш—халқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шарти.

Ташқи савдо ва унинг экономика самарадорлигига таъсири.

Заводимизнинг экспорт қилинадиган маҳсулоти.

Корхонамизда чет эллардан харид қилинган машина-ускуналардан қандай фойдаланилмоқда?

Маҳсулот сифати — фан-техника тараққиётининг, меҳнат маданияти ва интизомининг объектив кўрсаткичи.

Совет тамғасининг шарафи учун кураш —ҳар бир корхонанинг, ҳар бир меҳнаткашнинг иши.

Илм-фан — жамиятнинг қудратли ишлаб чиқарувчи кучи, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашнинг олдинги марраси.

Фан, техника ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш формаларини такомиллаштириш.

Фундаментал фаннинг энг муҳим вазифалари.

Олий мактаб фани—фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим резерви.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш— олимлар, инженерлар ва техникларнинг ватанпарварлик бурчи.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида ихтирочилар ва рационализаторларнинг вазифалари.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш йўллари.

Хўжалик ҳисобини, иқтисодий воситалар ва омилларни кучайтириш —муҳим халқ хўжалик вазифаси.

Меҳнатга ҳақ тўлаш коллектив ишининг натижаларига боғлиқ қилиб қўйилсин.

Коллективимизда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаларини ривожлантириш.

Олимлар ва инженерлар меҳнатини жамоатчилик юксак даражада эътироф этсин.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда инсоннинг ҳал қилувчи роли.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга кадрлар эътиборини қаратиш — ҳозирги шароитда партия ишининг асосий йўналиши.

Иш услубини такомиллаштирайлик, кадрларга нисбатан талабчанликни оширайлик.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда коммунистларнинг авангардлик роли.

Ижодий меҳнат муҳитини қарор топтирайлик, меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантирайлик.

Ёшларнинг ғайрат-шижоати ва синчков ақли фан-техника тараққиётига хизмат қилдирилсин.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни идеологик жиҳатдан таъминлаш йўллари ва методлари.

Халқ фаровонлигини ошириш — КПСС фаолиятининг олий мазмуни.

Кенг кўламдаги уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, маориф, фан ва маданиятни ривожлантириш — КПСС социал-иқтисодий сиёсатининг бош йўналишлари.

Империализм томонидан уруш хавфининг кучайиб бораётганлиги ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш зарурлиги.

Турмушимизнинг барча соҳаларида тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш учун кураш — партия ташкилотлари ҳамда меҳнат коллективларининг доимий вазифасидир.

Халқнинг жонли ижодкорлиги — партия иқтисодий сиёсати туб масалаларини муваффақиятли ҳал этиш гарови.

1985 йилги планни ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарамиз!

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик!

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ЭНДИ КИМДАН СЎРАЙМИЗ?

Кун иссиқ. Асфальт хамирдай билқиллаб кетган. Дарахтларнинг барглари ҳам шалпайиб қолган. Уйга шошиб келардим. Кўчамизнинг муюлишида ўсган сада тагига қўйилган каравотда икки кампир дам олиб ўтиришибди. Салом берган эдим, кампирлардан бири:

— Ҳай, ўғлим, — деб чақириб қолди. — Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим.

— Сўранг, онажон.

— Сиз ҳам шу кўчада турасизми?

— Ҳа. Шундай иссиқ кунда кимни қидириб юрибсизлар?

— Сизнинг ҳам бошингизга мана шундай яхши кунлар тушсин, айланай, — деди улардан бири терларини артаркан, — айтингчи, анови ўнг томондаги кўк эшикда, муаллим яшайдими? — дея у менинг уйимни кўрсатди.

— Ҳа, онажон, — дедим ҳайрон қолиб.

— Борди-ку таниссангиз, шу одам ҳақида бирон гап айтолмайсизми? Ўзи қанақа? Оиласи ва қизи қандай?

Энди оғиз жуфтлаган эдим, у яна сўзни илиб кетди.

— Қизига совчи бўлиб келган эдик. Уйларига кирдик, домланинг аёллари баъмани, ширин сўз, меҳмондўст экан. Қизларини ҳам кўрдик. Бизга жуда ёқди. Бинобидай бежирим, дўндиқ қиз. Бироқ, юрагимизга озроқ ғашлик тушиб қолди-да, айланай.

— Қўшниларидан сўрадингизми? — деб кулдим.

— Иккита қўшнилариникига кирдик. «Қизига ўғлингиз ёқса суриштирмай олаверинг» дейишди. Лекин учинчиси тарвузимизни қўлтиғимиздан туширди.

— Ким экан?

— Ёши олтмишдан ошган, бўйи баланд, оқсариқ юзли, кўзи кўмкўк, хиёл оёғини аввалаб босади. Ҳа, қўлида ҳассаси ҳам борми-ди Вазирабону?

— Борди, шекилли...

— Шунақа ўғлим. Тўғри гапирган бўлса раҳмат, нотўғри гапирган бўлса, диёнатсиз экан. Нима дейди денг, «Ҳа, биламан анув ақлсиз, қуримсоқ домла-да, бети қурсин ярамас, пиёниста, иғвогар, уришқоқ, бировга фойдаси тегмайдиган одам. Хотини илму-амалчи, уятсиз бемаъни. Илоннинг ёғини ялаган, қора илон, қизлари чаён... Тағин чиройлигига учиб доғда қолманг».

Мен ўзимни тутолмаъ кулиб юбордим-да, кампирлар билан хайрлашдим.

Улар ниманидир маслаҳатлашиб, бир қўшнимизникига кириб кетишди.

Уйда икки кампирнинг гапини хотинимга гапириб, роса кулишдик. Шунда хотиним:

— Қизларга ишлари йўқ, ўзларини овутиб юришган бўлса керак, — деб қўя қолди.

Мен овқатланиб бекатга келсам, кампирлар ҳам трамвай кутиб туришган экан. Уларни эъзозлаб трамвайга чиқариб қўйдим. Билет олиб қўлларига бердим.

— Раҳмат ўғлим, ўзимиз олар эдик, умрингиз узоқ бўлсин,— деб миннатдорчилик билдиришди.

Шу вақт елкамга кимдир аста уриб қўйди. Қўшним Абдураҳмон экан. Мен у билан кўришиб ҳол-аҳвол сўрадим, кампирларга орқа ўтириб олдим. Абдураҳмон кулиб:

— Домлажон, уйда эдим, иккита кампир эшикдан кириб келди-да, сизларни сўраб-суриштиришди. Саримсоқ билан хотинни бу бечораларга роса лақиллатишибди-да.

— Ёлғон, эри имонсиз, хотини юзсиз, ишонманглар, деди келинингиз жаҳли чиқиб. Улар инсон бўлганида, эри хотинининг сўзига кириб акасини, болаларини кўчага кўйда ким бўлса шунга ёмонлаб юрмасди.

— Эй, Абдураҳмон, гапирса тапирибди, хафа бўлманг, — дедим.

Кампирлар Абдураҳмоннинг гапини эшитиб туришган экан, биттаси:

— Вой, ўлмасам, ҳай Вазирабону, булар қудамиз эканлар-ку, ўзлари, — деб қолди.

Мен кампирларга қараб ҳазиллашдим:

— Онахонлар, энди кимдан сўрайсизлар?

— Ҳа, болам, энди икки ёшдан сўраймиз, — дейишди улар.

Темур КАРИМОВ.

● ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

ҚУШНИЛАР ҲАҚИДА

● Етти қўшнинг — ота-онанг.

● Қўшнинг бор — ошинг бор.

● Қўшни келди — кўмак келди.

● Ён қўшним — дармон қўшним.

● Ҳамсоянг — жон соянг.

● Қўшнингда бори — сенда бор.

● Оловга тегсанг ўчади, қўшнига тегсанг кўчади.

● Меҳмон келса қўшнинг чиқсин, ёлғизлигинг билинмас.

● Чечасини кўриб бўз ол,

Қўшнисидан сўраб қиз ол.

● Қўшни билан аҳил бўл,

Қўш мағиздек бир дил бўл.

● Қўшнинг тинч — сен тинч.

● Шолча сотсанг қўшнингга, бир четида ўзинг ўтирасан.

● Яхши кунда ён қўшним,

Ёмон кунда жон қўшним.

● Қўшнининг сирини қўшни билади.

● Яхши қўшни гавҳардан қиммат.

● От улоқда синалар, Қўшни ҳашарда билинар.

● Диёнатли қўшни — қимматли қўшни.

● Яхши қўшни — жафокаш.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ ИТТИФОҚИЛИК ДЎСТЛАР ЁРДАМИДА

ХАНОЙ. ВСРда ишлаб чиқарилаётган станок ускуналарининг асосий қисми Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилган заводларда ишлаб чиқарилмоқда. 1958 йилда машинасозлик соҳасидаги Совет—Вьетнам ҳамкорлигининг тўнғич корхонаси—биринчи Ханой станоксозлик заводи ишга туширилиши билан социалистик Вьетнам саноатининг янги тармоғи негизи яратилди.

Чорак аср мобайнида корхона станокларининг 46 моделини, шу жумладан 32 та универсал станокни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу ерда 20 дан ортиқ иҳтисосдаги олти мингдан зиёд малакали ишчи, минг нафардан кўпроқ инженер, техник ва мастер тайёрланди. Кўпгина мутахассислар Совет Иттифоқида, жумладан Москвадаги «Красний Пролетарий» заводида таълим олиб келди. Ханойлик станоксозлар бу завод билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Бу ерда москваликларнинг ёрдами билан бутун тармоқ учун кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртн барпо этилган.

Завод яқинда реконструкция қилинганидан кейин ишлаб чиқарадиган маҳсулотн турларн кўпайди. Кичик ва ўртача қувватли гидротурбиналар, қўл асбоблари тайёрлайдиган 250 тонналн пресс ва шакар қаммишн қайта ишлайдиган прессларн ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вьетнам пойтахти яқинида СССРнинг техникавий кўмаги билан қурилаётган «Шонг Конг» дизель заводи Вьетнам машинасозлигининг энг катта корхонаси бўлиб қолди. Шу йилнинг охиригача технологня линиясининг биринчи навбати ишга туширилади. Заводнинг лойиҳадаги қувватн йилига 2 минг мотор ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Рационализаторлар ҳиссаси

СОФИЯ. Бу йил Русе шаҳридаги Г. Димитров номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги комбинатида киритилган рационализаторлик таклифларининг сони 1984 йилдагига нисбатан салкам уч баравар кўпайди. Шундай таклифлар авторларининг сони ҳам ортди. Шу йилнинг биринчи кварталида синаб кўриш учун 106 таклиф, жорий этиш учун 57 таклиф тавсия этилган эди.

Новаторлар ва ихтирочиларнинг тематик планларида меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, оғир қўл меҳнати улушини камайтириш билан боғлиқ 30 дан зиёд актуал проблема бор. Корхонада рационализаторлар фаолиятини оммалаштириш программаси ишлаб чиқилган, новаторларга техникавий жиҳатдан кўмаклашиш учун мутахассислар группалари ташкил қилинган.

ШОТЛАНДИЯ УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИГА МУКОФОТЛАР

ГЛАЗГО. Шотландиядаги шу катта саноат шаҳрининг дўстлик уйида шотландиялик бир группа иккинчи жаҳон уруши ветеранларига совет мукофотларини топшириш тантанали маросими бўлди. Улар орасида Мурманск ва Архангельскка юборилган транспорт конвойларининг қатнашчилари — Глазго шаҳар кенгашининг аъзоси А. Лонг, Ж. Шарки, У. Шорт, Ж. Смит, У. Дункан, 1945 йил 1 май куни Висмарда совет қўшинлари билан учрашган Англия қуролли кучларининг составида бўлган уруш ветерани Ж. Ханна бор. СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси В. И. Попов «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 40 йиллиги» юбилей медалларини мукофотланганлар группасига топширди.

Маросимда жанговар хизматларига берилган юксак баҳо учун самимий миннатдорчилик билдирган шотландиялик ветеранлар, Глазго шаҳар маъмурияти-нинг вакиллари, «Шотландия—СССР» дўстлик жамиятининг фахрий президенти леди Ритчи-Калдер, бошқа жамоат арбоблари сўзладилар. Улар иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет-Англия жанговар ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини ва шу анъаналарни давом эттириш зарурлигини айтдилар, гитлерчилар фашизмини тормор келтириш ва Европа халқларини фашизм вабосидан озод этишда СССР ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини уқтирдилар, ер юзи ва космосда ядро урушн хавфига қарши, тинчлик учун курашда куч-ғайратларни кўпайтиришга аҳд эттанликларини таъкидладилар.

Фашизмга қарши кураш алангасида туғилган Буюк Британия билан СССР ўртасидаги иттифоқ оғир уруш йилларида турли социал-сиёсий тузумдаги икки давлат ҳамкорлигининг намунаси бўлди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда шотландиялик уруш ветерани У. Дункан. Ғарбдаги реакцион кучлар жаҳон термоядро урушн хатарли режаларини тузаётган ҳозирги пайтда ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда аввалгидек ишонч, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳини тиклаш ниҳоятда муҳимдир. Совет Иттифоқи тўғрисидаги, совет халқининг тинчликсеварлиги, ҳар қандай уруш келтирадиган даҳшатли оқибатлар тўғрисидаги ҳақиқатни инглизлар ҳозирги авлодига етказиш — иккинчи жаҳон урушининг ветеранлари сифатида бизнинг бурчимиздир.

ФАЛОКАТ ТУФАЙЛИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистондаги Бхопал шаҳрида ўтган йилнинг декабри бошларида Америкаининг «Юнион Карбайд» корпорацияси заводининг омборларидан чиққан заҳарли газдан заҳарланган кишиларнинг кўпчилиги умрбод мажруҳ бўлиб қолади. Икки минг кишининг ёстиғини қуритган ана шу фожиани бошидан кечирган кишиларни текширib чиққан ҳинд олимлари ана шундай хулосага келдилар. Лекинау медицина коллежи бир гуруҳ врачлари газ таъсир қилган кўп минг кишилик аҳолининг тўрт-дан бир қисми турли асаб касалликларига дучор бўлганлигини аниқладилар. Уларнинг ўпкалари ва бошқа муҳим органлари жиддий зарарланган.

Матбуотда Бхопал фожиасининг оқибатлари шаҳар аҳолисининг янги авлодига ҳам таъсир қилишидан далолат берувчи маълумотлар келтирилмоқда.

ҚАДИМГИ ЙЎЛ ҚЎРИҚЧИЛАРИ

Шу пайтгача ҳаракат хавфсизлиги хизмати кўчаларда автомобиль пайдо бўлгач, яъни 20 аср бошида йўлга қўйилган деб ҳисобланарди. Аслида қадимги Римда йўл қоидаларига риоя қилувчиларни кузатиб борувчилар иш юритишган. Цезарь даврида Рим илк бор бир миллион аҳолиси бўлган шаҳарга айланган. Шу боисдан ҳам шаҳарда пиёдалар билан бирга от-араваларнинг, отлиқлар кўплаб қатнаган. Шаҳар қоқилларни йўлдаги хавф-хатарнинг, турли хил тўқнашувларнинг келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида кўчаларнинг энг гавжум жойларида ва чорраҳаларда йўл ҳаракатларини тартибга солувчиларни қўйишган.

***

ТОКИО. Америкаининг ядро қуролини эътишга қодир бўлган энг янги Ф—16 бомбардимончи қирувчи самолётларини Мисава авиабазасида жойлаштириш 1987 йилнинг мартида тугалланади. Америка ҳарбий қўмондонлигининг вакили Япония социалистик партиясидан парламентга сайланган депутатлар группасига шуни маълум қилган. Хонсю оролининг шимолида жойлашган Мисава учиш майдонидан Америкаининг шундай самолётлари старт олмоқда. Бундай самолётларнинг дастлабки туркуми бу ерга апрель ойида келтирилган эди. 1987 йилга келиб у ерда узоққа учадиган 50 га яқин шундай самолёт жойлаштирилади.

ЭНГ КИЧИК ВУЛҚОН

Мексика пойтахти — Мехико шаҳридан 120 километрча жануброқда жаҳондаги энг кичик вулқон мавжуд. Унинг баландлиги бор-йўғи 13 метр. Куякскомапль деб аталадиган ер юзидаги энг митти бу вулқон 1664 йилдан бери ҳаракат қилиб келмоқда. У машҳур Попокателетля вулқонининг юзага келиши туфайли пайдо бўлган.

МЎЙ ДАРОМАД МАНБАИ

Кўпчиликка бир қатор мамлакатларда қурбақа твом сифатида истеъмол қилиниши яхши маълум, Энди бу беозор ҳайвонларга бошқа томонлан ҳам катта зарар келтирилмоқда. Жумладан, Бразилияда уннинг терисидан фойдаланиш учун тутишга киришилди. Тутилган бақалар Японияга жўнатилиб, у ерда жажжи аёллар сумкаси, белбоғ, қўлқоп ва оёқ кийимлари тайёрланмоқда. Махсус технология асосида қурбақа терисидан ишланган буюмлар чиройли ҳамда кўпга чидамли бўлиши билан харидорлар диққатини ўзига жалб қилмоқда.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУХАРЕСТ. Руминиянинг электротехника ва электрон саноати шу беш йиллик мобайнида 10 мингдан кўпроқ бу-юмни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу буюмларнинг баъзилари мамлакат экономикасида янги тармоқларни яратиш учун асос бўлди. Бунда гап саноат роботлари ва роботлар қўлланиладиган комплекс автомат линиялар, микропроцессорлар ва электрон телефон алоқа ҳақида боради. Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси асботалари, электр двигателлари ва электротехника аппаратлари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳам кўпайди.

Руминия электротехника ва электрон саноати мамлакат социал-иқтисодий ҳаётининг ҳамма соҳаларида меҳнат унумдорлигини ва иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий йўлларидан бири — халқ хўжалигида техника тараққиётини таъминлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

***

БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари Исроил босқинчиларига ва «Жанубий Ливан кўнгирчоқ армиясига» қарши бир қанча операциялар ўтказдилар. Партизанлар Бинт-Жбайл ва Маржаюн районларида босқинчилар ва уларнинг гумаштлари позицияларига, постларига ва соқчиларига ҳужум қилиб, жиддий талафот етказдилар. Қотиллардан иборат Исроил бўлинмаларн ва уларнинг кўнгирчоқлари қасос олиш учун жойларни тарам-тарам қилиб чиқдилар, тинч аҳолини сўроқ қилдилар ва таҳқирладилар.

***

ГАВАНА. Сальвадорнинг Морасан департаментида Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти отрядлари билан бу ерда кенг жазо операциясини ўтказаётган америкапараст режим қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар давом этди. Бу операцияда 30 дан кўпроқ жанговар самолёт ва вертолёт мадади билан 4 мингга яқин ҳарбий хизматчи қатнашмоқда. Қўзғолончилар нинг «Вансеремос» радиостанцияси хабар қилганидек, партизанлар душманга зарба уриб, унинг 40 дан зиёд солдат ва офицерини сафдан чиқарганлар.

Радиостанциянинг эшиттиришида қуйидагилар уқтирилади: жазо операциясида Гондурас пиёда қисмлари қатнашмоқда. Сальвадор ҳарбийлари бу фактни инқоблаш учун миллий ва аҳамиятга эга бўлаётган ҳарбий матбуот вакилларининг уруш ҳаракатлари бўлаётган районга боришини тақиқлаб қўйди.



Германия Демократик Республикасида ёш авлоднинг баркамол чиниқишига катта эътибор берилаётк. Айниқса болалар боғчаларида келажак авлод вакиллари спорт билан шуғулланишмоқда.

СУРАТДА: Турма [Карл-Маркс-Штадт округи] шаҳридаги болалар боғчасининг катта ёшдаги группасида тарбиячи-тренер Симона Майшнер машғулот ўтказмоқда.

• Донолар бисотидан

АРАҚБОЗЛИКНИНГ КАСОФАТИ

● Майхонанинг ободлиги майхўрларнинг вайронлигидан бўлади. Ичкиликбоз кўпайса шовқин-сурон авж олар, енгилтаклар кўпайса, олам равнақдан қолар.

Дерлар, узум сувин бор чоғи хушдир,
Май чоғи танбур кўп чалмоғи хушдир.
Бу сўзга ишониб майхўр бўлмагин,
Ноғора овозин узоғи хушдир.

Андалиб КОШОНИЙ.

● Одамининг ичкиликка банда бўлиши онладан бошланади. Бола катта бўлганда араҳхўр бўлмаслиги учун аввало тарбияни ёшлигидан бошлаш зарур. Ўзи ичиб турган ота ёки она болани ичкиликдан қайтаролмайди.

Ишимнинг чораси — кўз ёшини қувмоқ,
Демак уни бошдан тўхтатиш керак.
Ариқ тўлгач сувни тўхтатиб бўлмас,
Бунинг-чун булоқдан бекитиш керак.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

● Майнинг ҳар қатраси — ақлни тўсар пардаси.
Шаробдан ичилган ҳар битта қадаҳ,
Ақлимга ўғрию, ҳушимга ғорат.

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

● Емон дард аччиқ дори билан даволанади.
Киши бадмаст бўлса нақ гарданига,
Шундай урки, бўлсин нақ моматалоқ,
Ҳушёр қарилар шундай дейишган:
«Бадмастга зўр даво — зўр бир шапалоқ!»

АНВАРИЙ.

● Маст кишидан ақлли сўз чиқмайди:
Деди, доно киши бадмаст кишидан,
Ақлли сўз кутиб, қолмас ишидан.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

● Аҳмоқ одамгина майдан шодлик кутади, ваҳоланки у ғам-қайғуга етаклайди.
Доно шароб ичиб мастлик қилмайди,
Баланд табъи нла пастлик қилмайди.

Расо ХУРОСОНИЙ.

● Девона, қоч, маст келаяпти.
Маст одам ҳеч қандай жиноятдан қайтмайди, вақти келса ўз ота-онасига пичоқ кўтаради.
Май ичиб тобакай фитналар солмоқ,
Ташқари чопмоғу, эл қонин тўкмоқ.

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

• Тошкентлик умри чинорлар

ЮЗ БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

Унинг икки ўғли ва беш қизи турли касб эгаларидир. Абдусамат ота узоқ йиллар Орженикидзе районидаги Ленин номли колхозда яшаб деҳқончилик қилган. Кейинчалик эса турли ташкилотларда боғбон бўлиб ишлаган. Абдусамат отадан: «Узоқ умр кўришингизнинг сири нимада?» деб сўрасангиз, у киши кулиб:

— Меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва турмушимизнинг тинч ва фаровонлигидан, — деб жавоб қилади.

Бугун отахоннинг 100 ёшга тўлиши муносабати билан бу фазилли хонадонга йиғилган ўғил-қизлар, невара-чевaралар катта ҳовлини лиқ тўлатиб ўтиришибди. Абдусамат ака ёшлар даврасида яшариб, ўғил-қизларига мамнун термулиб ўтирибди. **С. СУЛТОНОВ.**



• Бир шингил табассум

ТУЯНИНГ ШОХИ

— Онаси, ўғлингнинг «Алифбе» китобини олиб варақлаб кўрчи, туянинг суратн бормикан!

— Бор экан, мана топдим.

— Қара-чи, шохи борми!

— Борга ўхшайди, шекилли.

— Бўптн, қўявер. Ўзим ҳам билгандай туянинг суратнн шохли қилиб чизган эканман.

УША БИР СОАТ...

Кекса чол ва кампир ёшлик даврларини эслашмоқда.

— Биласизми чол, сиз қўлимни сўраганингизда, ўзимни йўқотиб қўйиб, бир соатча тилим калимага келмай қолганди-я!

— Ҳа, бундай ўйлаб кўрсам ўша бир соат ҳаётимдаги энг ажойиб давр бўлиб қолган экан, хотин.

ЯНА

— «А» шаҳридан «Б» шаҳри томон чиққан поезд манзилга сен айтгандай 6 соатда эмас, 5 соатда етиб борадн, — дедн ўқитувчи.

— Поездлар ҳамиша кечикадн-ку! — дедн бўш келмай Аббос.

— Масаланн очган бўлсанг, эринмай 3 марта текшириб чиқ, — дедн ўқитувчи Аббосга.

— Мен беш марта текшириб чиқдим.

— Яна...

— Лекин ҳар гал жавоб сон ортиб боряпти.

УНУТИЛГАН ШЛЯПА

Ишдан қайтган эр хотинининг китоб ўқиб ўтирганини кўрдн:

— Маҳбуба, зерикмадингизми!

— Йўқ, азизим, мен сиз йўқингизда вақтни Уильям Шекспир билан бирга ўтказдим.

Эр стулга нигоҳ ташлаб олгач, дедн:

— Кўрнб турибман, у шляпасини унутиб қолдирибдн...

М. СУЛАЙМОНОВ, ишчн.

• ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

ОЛМА

Олтинойнинг ақлин пешлаб
Самар деди:
— Дейлик, сенга
ойнинг учта —
Олма берди.
Бу олманга яна шунча
Олмани қўш.

Ва ҳаммаси қанча бўлар —
Айтинг-чи, хўш?!
Шунда: «Санаш қочиб кетмас, —
Дер у бегам.
Олдин ўша олмаларни
Берсин онам!»

Абдулла ТУРДИЕВ.

• КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Барҳаёт рубоийлар

Бутуниттифоқ «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлимн шарқ классик адабиётининг йирик намояндаси Умар Ҳайём рубоийларининг янги нашрини форс, ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди. Умар Ҳайём ижодига изоҳ бериб ўтиришимиз ножоиз бўлса керак. Бугунги кунда унинг номи Мағрибу Машриққа маълум, тириклик ва ёруғликка ундовчи рубоийлари сеҳрб ўқилмоқда. Унинг қисқа, лекин сермазмун байтларига сингдирилган ҳаёт фалсафаси буюк, ҳаёт ва дунёдайин бепоён:


Оламни пиёда кезиб чиққанлар,
Икки дунё сўзни дилга тўкканлар,
Бизлардан ортиқроқ билдиларммкан,
Жаҳон сирларнин бир-бир йиққанлар.

Ҳайём дунёни, ҳодисотни ўз юрагидан ўтказган, ўзи лутф этгандай «Кўп мушкул тугунни англаб, ечган зот». Шунинг учун унинг ҳар бир рубоийсида Ғафур Ғулом айтганидек — «оламларча мазмун бор».

Шу ўринда «Рубоийларнинг тузувчиси ва таржимон, халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати Шонслом Шомуҳамедовнинг беназир хизматини алоҳида таъкидлаш керак. Шарқ классик адабиётининг билимдони, «Форс-тожик адабиёти классиклари», «Эҳсон Табарий», «Абдураҳмон Жомий», «Саъдий Шерозий», «Ҳақиқат излаб» сингари ўнлаб илмий-адабий китоблар муаллифи Ш. Шомуҳамедов Ҳайём рубоийларини ўзбек тилига маҳорат билан ағдарган. Айниқса, сатрларнинг туб мазмунини бера олишда таржимоннинг маҳорати яқол кўзга ташланади.

«Рубоийлар» юксак полиграфик дид билан босилган. Китобнинг муқоваси ҳам кўркам, китобхон қўлга олиши билан баҳри дили очилиб кетади. Шу кўтаринки кайфият билан ўқиб чиқади-да, шундай китобни чиқарганларга «раҳмат» дейди...

С. СИРОЖЕВ.



АНТИСАНИТАРИЯГА ЎТ ОЧАЙЛИК!

● ЛУҚМА

ЧИВИНЛАР БЕЗОР ҚИЛДИ

Биз қишда совуқдан қийналиб чиққан эдик. Мана энди тунн билан чивин чақиб безор қилаяпти, уйқумизда ҳаловат йўқ. Чунки уйнинг ертўласнга сув йиғилиб ҳавзага айланган. Ҳавза эса чивинлар униб-ўсиб учирма қиладиган ўзига хос «инкубатор»га айланган.

Бунинг устига уйларнинг подъездларнга камданкам чироқ қўйилади, подъездларнинг деворларн нфлос, вақтида тозаланмайди. Буларнинг барчаси кўнгилни хира қиляпти. Ҳасратимизни 61-ЖЭУ бошлиқларига бир неча бор айтдик. Лекин натижа чиқмади. Акмал Икромов районидаги 23-квартал, 46-уйда яшовчи аҳолинн чивинлар «ҳужум»идан қайси ташкилот қутқарадн!

Аҳолн номидан:
Я. ИМИНОВ, М. УСМОНОВ.

ХИЁБОН ОЁҚОСТИ БЎЛЯПТИ

Биз Оқтепа арнғи яқинидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қиламиз. Бу ерда кечқурунлари биз қарнялар, шуннигдек ёшлар ҳордиқ чиқарнш учун бирорта сайроҳ ёки хиёбон йўқ. Оқтепа арнғи ёқасидаги хиёбон эса борган сарн оёқостн қилиняпти.

Оқтепада бирорта жойда санузел йўқ. Шу боисдан ҳамма хиёбонга югурадн. Ҳозир хиёбондан гул нсн эмас, балкн бадбўй ҳид димоққа урнб, ўтган-кетганни беҳузур қиляпти.

Бунақа жойлар районимизда оз дейсизми! Шундай экан, Октябрь район Советн ижроня комитетн, уннинг ободонлаштирнш бошқармаси санитарня талабларн асосида аҳолн гавжум бўладиган жойларда замонавий санузеллар қурншнн режалаштирнши керак. Бу ншга шаҳримизнинг бошқа районларида ҳам эътибор берилиши лозим.

Ғ. ШАРИПОВ,
Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветеранн.

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП...

«Сельмаш кўчаси, 2-проездда яшайман, — деб ёзибдн газетхон М. Аскарова. — Кўчамиз ҳаммша шинам ва озода эдн.

Сельмаш массивида яшовчи бнр ншбилармон ҳамшаҳримиз кўчамиздагн аҳлат яшикларн турадиган жойга машинасига гараж қуриб олган. Табиийки, аҳлат яшикларн уннинг ялтироқ гаражига муносиб қўшни туюлмаган ва гараж эгасининг бнр нмоси билан бошқа жойга кўчирнб ташланган. Энди аҳлат яшикларн қалин дарахтлар соясида— кўрганлар унга, кўрмаганлар кўчанинг ўзига «атаганнни» тўкиб кетишаверадн...»

Буёғи шундай аён. Демак, кўча аҳлатхонага айланаёзган. Чанғи, кули чиқиб тутаб ётибди. Яқин-яқиндагина кўм-кўк яшнаб турган мевали ва мевасиз дарахтлар бу ерда бўлиб турадиган доимий майда ёнғинлар туфайли қурнб сарғайиб, мунгайиб қолган. Гоҳ гаражнинг бузуқ крандан милтнраб оқиб қолган сув ҳам уларни четлаб айланиб, аҳлат нчига сингиб кетаверади.

«Битта гараж туфайли кўчамиз аҳлатхонага айланиб қолаверадими!» Ҳозир бир маҳалла одам гоҳ димоғида, гоҳ шивирлаб, гоҳ баралла мана шундай деб юрибдн.

Мақсад ЯХШИЕВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

28 ИЮНЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГА ВА УЛОҚ



ПРОГРАММАДА: анъанавий ва машҳур спортчилар номидаги мукофотлар учун мусобақа.

ОТЧОПАРДА ТУРЛИ КЎНГИЛОЧАР АТТРАКЦИОНЛАР ИШЛАВ ТУРИБДИ.

Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон ва РСФСР колхозлари, совхозлари ва от заводларининг энг яхши отлари қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ўйнайди.

Салқин ичимликлар билан савдо қилувчи буфетлар от спорти ишқибозлари хизматида бўлади.

«БЕГА» ресторанининг эшиклари кун бўйи очиқ.

Отчопарда отда сайр қилиш учун уларни прокатга олиш пункти бутун йил бўйи ишлаб турибди.

АҲОЛИДАН ТЎЙ ТАНТАНАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РУС ТРОЙКАЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Отчопарга кириш бепул.

АДРЕС: Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги проспекти («Собир Раҳимов» метро станцияси 153, 172, 173 178, 180-автобусларнинг «Ипподром» бекати). Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ

ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ БОҒДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШГА, ЯНГИ МАРМАР ФАВВОРА АТРОФИДА МУСАФФО ВА САЛҚИН ҲАВОДАН НАФАС ОЛИБ, ҲУЗУР ҚИЛИШГА

ЧОРЛАЙДИ

ШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 22 ДАН 23 ГАЧА «РАДУГА» БАЛ ХАЛҚ АНСАМБЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАРИ УЮШТИРИЛАДИ.

«ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЎҒРИ ВА ЧИРОЙЛИ РАҚС ТУШИШ КЕРАК»

Ансамблнинг бадиий раҳбари — ЛИНА ТЕЛЕГИНА.

РАҚСЛАРГА «ЗАБИТИЕ МЕЛОДИИ» («Унутилган куйлар») ДУХОВОЙ ОРКЕСТРИ ЖЎР БЎЛАДИ.

Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри — ЛЕВ РОЙТБЛАТ.

ХУШҲАВО БОҒИМИЗГА МАРҲАБО!

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

4-КИТОБ МАГАЗИНИ (Привокзальная кўчаси, 12-уй)НИНГ КАПИТАЛИСТИК ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТЛАРИ БЎЛИМИДА САВДОДА ҚУЙИДАГИ НАШРЛАР МАВЖУД:

ИНГЛИЗ ТИЛИДА «НЬЮ ИНГЛИШ ЛАЙБРЕРИ» НАШРИЁТИНИНГ КИТОБЛАРИ:

И. Шоу «БОЙ, КАМБАҒАЛ». Баҳоси — 10 сўм 30 тийин.

«ВИЗАНТИЯДА ОҚШОМ». Баҳоси —6 сўм 30 тийин.

ФРАНЦУЗ ТИЛИДА «ЛЯРУСС» (ФРАНЦИЯ) НАШРИЁТИНИНГ ФОТОАЛЬБОМЛАРИ.

— «Франция вилоятлари» серияли — «Бретань», «Руан», «Лангедок», «Аквитания» ва бошқалар. Фотоальбомлар мазкур вилоятлар аҳолисининг ҳаёти, маданияти ва тарихий меъроси ҳақида ҳикоя қилади. Алоҳида бир альбомнинг баҳоси — 10 сўмдан 29 сўмгача.

«Франция манзаралари». Баҳоси — 40 сўм.

«Париж: Архитектура ёдгорликлари». Баҳоси — 16 сўм.

«Франциянинг ҳусн-жамоли». Баҳоси — 65 сўм 40 тийин.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ.

УЙДА КИР ЮВСАНГИЗ–

НА СИНКАГА, НА СОВУНГА ҲОЖАТ ЙЎҚ!

«МЕЧТА» ВА «ПАЛЬМИРА» КИР ЮВИШ ПАСТАЛАРИ:

ТЕЗ ЮВАДИ,
ОРАСТА ҚИЛАДИ,
ГАЗЛАМАНИНГ ТОЛАСИНИ ТИТИБ ЮБОРМАЙДИ,
ЎЗИ СИНКАЛАЙДИ,
УЙ БЕКАСИНИНГ МАШАҚҚАТИ ОСОН БЎЛАДИ.

Дастурхонлар, сочиқлар, салфеткалар ва чойшаблар бундай кир ювиш пасталари билан ювилгандан кейин мовийсимон майин тусга киради. Айниқса гулли газламали буюмларнинг жозибаси янада очилади.

Бу пасталар асосан пахта ва канопдан тайёрланган буюмларни ювишга мўлжалланган.

«ЛАНДИШ» ТАКОМИЛЛАШГАН КИР ЮВИШ ПАСТАСИ ҲАР ҚАНДАЙ ТУСДАГИ ГАЗЛАМАЛАРНИ ЯХШИ ЮВАДИ.

БУ ПАСТА БАРЧА ТИПДАГИ КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИДА БУЮМЛАРНИ ТЕЗ ВА ОРАСТА ЮВАДИ, ЧУНКИ «ЛАНДИШ»НИНГ ТАРКИБИДА КЎП КЎПИРАДИГАН МОДДАЛАР БЎЛИБ, УЛАР МАШИНАНИНГ ИШИНИ ЯНҒА ЕНГИЛЛАШТИРАДИ.

«ЛАНДИШ» ПАСТАСИ ҚОРИШМАСИ — БИЛЛУР, ЧИННИ, СОПОЛ, ШИША БУЮМЛАРНИ ВА КОШИНЛАРНИ ЯХШИ ЮВАДИ.



«УЗБИТХИМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.



ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

СССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ДЕГУСТАЦИОН КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

ЯНГИ «ЛАЗЗАТ» ИЧИМЛИГИ

«АЪЛО» БАҲО ОЛДИ.

«ЛАЗЗАТ»— ҲУЗУРБАХШДИР

«ТАШКЕНТПИВО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЯНГИ ГАЗЛАШТИРИЛГАН ИЧИМЛИК АНА ШУНДАЙ НОМЛАНАДИ.

Унинг ўзига хос лаззати ва нафис иси — ичимликка қўшилган асосий моддалар — лимон ва қовоқ таъмини аниқтиб туради.

«ЛАЗЗАТ» таркибидаги оқсиллар ва углеводлар, органик кислоталар, В, С витаминлари ҳамда каротин моддаси бу ичимликни саломатлик ва куч-қудрат манбаига айлантирган.

«ТАШКЕНТПИВО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

КИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ
7-ОШХОНАГА ҚАРАШЛИ
«ЛЕБЕДЬ» КАФЕСИ ҚОШИДАГИ
МАКТАБ-ОШХОНАГА
1985-85 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ-ОШХОНА КИРОВ РАЙОНИДАГИ ОШХОНАЛАР ВА КАФЕЛАРДА ИШЛАШ УЧУН 3-РАЗРЯДЛИ МАЛАКАЛИ ОШПАЗЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати —11 ой.

МАКТАБ-ОШХОНАГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мактаб-ошхона замонавий уч қаватли бинода жойлашган бўлиб, энг янги иситиш ва совутиш ускуналари ҳамда таълимнинг технологик воситалари билан жиҳозланган.

МАКТАБ-ОШХОНАДА ИШЧИ-ЁШЛАР МАКТАБИ МАВЖУД.

Ўқувчиларга ҳар ойда 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия, махсус кийим берилади.

МАКТАБ-ОШХОНАНИ БИТИРГАНЛАРГА 3-РАЗРЯДЛИ ОШПАЗ МАЛАКАСИНИ ЭГАЛЛАГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязев кўчаси, 28-уй (3, 22, 23, 29-трамвайлар, 19, 47, 89-автобусларнинг «Тимирязев кўчаси» бекати).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

17 ЁШДАН 20 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАРНИ САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар «Мактаб-магазин» программаси бўйича олиб борилади.

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРСИЗ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўқиш даврида 52-63 сўм стипендия тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА ИШЛАЙДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Справкалар олиш учун универмагнинг 3-қаватида жойлашган 26-хонадаги кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.



ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
41-ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1985-1986 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«С» категориядаги (3-класс) ҳайдовчи ҳуқуқидаги автокранчи, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, бульдозер, скрепер, прицепли грейдер машинисти, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-10-синф маълумотидаги йигит ва қизлар ҳамда Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати— 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник, дурадгор (ўқиш муддати —1 йил) ихтисоси бўйича таълим олаётган ўқувчиларга 65 сўм стипендия тўланади, қолган бошқа ихтисосларга ўқиётганлар ойига 30 сўм стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процента тўланади.

3 йил муддатга ўқиётган ўқувчилар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади-лар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, аттестат ёки 8-синф тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (4х5 см. ҳажмда).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48-автобусларнинг, 10-троллейбуснинг, 27, 23, 10-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22).

ТЕЛЕВИЗИОН ДАСТУРЛАРИ



ЖУМА

28 ИЮНЬ

● МТ I

17.30 Ф. Шопен. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
18.15 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Броненосец узра қизил байроқ».
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Алкоголизмнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильм.
19.40 Мультфильм.
19.50 «Фан ва турмуш». Литва ССР Фанлар академияси.
20.20 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Аксиома». Телефильм премьераси.
19.15 «Онамларнинг мактаби».
19.45 «Яшил шаҳар». Телефильм.
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ф. Гладков. Ижод саҳифалари.
21.30 «Время».
22.05 «Дўстлар даврасида».
23.10 «Тулпорлар, тулпорлар...» Телефильм.
23.20 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Фан-техника тараққиёти-85». «Хлорелла дўстларини излайди». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
18.30 «Дунё воқеалари».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Локомотив». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 Кичик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Кино оламида».
23.25 Янгиликлар.

● УзТВ II

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Кўнгиллилар». Бадиий фильм (рус.).
18.25 «Спорт кинопанорамаси».
19.00 «Сириус — қардошлик юлдузи». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Абитуриент-85». Физика.
19.50 «Бу бақувват нозик-ниҳоллар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).
20.50 «Ҳамиша сафда». Телевизион киножурнал.
21.00 «Ёзги дам олиш пайти» (рус.).

ШАНБА

29 ИЮНЬ
ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм. 4- ва 5-сериялар.
11.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
12.20 «Бугун —Ихтирочилар ва рационализаторлар куни». Кўрсатувда ихтиролар ва кашфиётлар бўйича СССР Давлат комитетининг раиси И. С. Наяшков иштирок этади.
12.50 «Сизга манзур адабиётлар».
13.35 «Ёдингдами, ўртоқ...»
14.35 «Инсон. Ер. Коинот».
15.20 «Дунё воқеалари».
15.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
16.05 Р. Рождественскийнинг янги шеърларидан.
16.30 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «...сўнгра байрам ҳам келади» (Италия).
17.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
18.00 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати.
18.30 «Хатларингиз асосида». Музикали кўрсатув.
19.10 «9-студия».
20.10 ЧССР спартакиадаси. Прагадан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Ихтирочилар ва рационализаторлар кунига. Телефильмлар.
10.30 «Тонгги почта».
11.00 БЕЛОРУССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.15 «Қуёшни кўряпман». Бадиий фильм.
13.40 «Гармония» ансамбли чалади.
14.10 «Саёҳатчилар клуби».
15.10 СССР халқ артисти Г. Ковалёва концерти.
16.10 «Ерда, самода ва денгизда».
16.40 «Мария учун пуллар». Фильм-спектакль премьераси.
19.15 «Сибирь». Ҳужжатли фильм.
19.35 «Театр, кино ва телевидение да музика» кўрсатуви саҳифаларида.
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Зумрад кроссворди». Телеспектакль премьераси.
23.30 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Агар соғлом бўлай десанг». «Сузишни ўрганинг» (рус.).
10.55 «Мактаб ислоҳоти — ҳаётга!»
11.25 «Экранда — кинокомедия». «Ғаройиб бола».
12.55 «Мелиорация — мўл ҳосил гарови» (рус.).
13.20 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
13.50 «Бизнинг қишлоқдаги уйимиз».
14.20 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Мультипанорама».
19.00 «Бугун—Ихтирочилар ва рационализаторлар куни» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Маскан». Телефильм.
20.00 Й. Охунбобоев туғилган кунининг 100 йиллигига. «Хотиралар дарёси».
20.30 «Ахборот».
20.50 Композитор Матниёз Юсуповнинг ижодий кечаси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденнеларининг биргаликдаги программаси. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
23.05 «Диалог». Манзарали фильм.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 Октябрятлар учун. «Ситорача».
18.15 «Мушукча Женя ва йўл ҳаракати қоидаси ҳақида». Мультфильм.
18.30 «Планета овозим». Сиёсий шарҳловчи суҳбати.
19.00 «Новости».
19.15 «Шундай имконият бор». Телефильм.
19.40 Концерт.
20.30 «Ахбор».
20.50 «Телеминиатюралар театри».

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

вақант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра доценти: сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш;

кафедра катта ўқитувчилари: жисмоний тарбия, қишлоқ хўжалигида сув таъминоти;

кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия (2 ўрин);

кафедра ассистентлари: машиналар ремонти, машина механизмлари ва деталлари назарияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги Куйбишев номли 1-ўрта мактаб томонидан **Маҳмудова Доно Артиковна** номига берилган В—427667 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Фрунзе район соғлиқни сақлаш бўлими 2-стоматология поликлиникасининг йўқолган

УЧБУРЧАК ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/VI да **Уйқудаги гўзал**, 29/VI да **Суғд элининг қаҳрамони**, 30/VI да **Спартак**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/VI да **Мангулик** (20.00), 29/VI да **Тошболта ошиқ** (20.00), 30/VI да **Сатира ва юмор**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ҳинд йоги М. Плиска иштирокида катта ранг-баранг программа (19.30).

кино

28 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18, 18-30, 20.45; кичик зал, 19.30, телефон 44-21-44), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18.30, 21.00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 18, 20, 20.30, телефон 66-15-75), **Восток** (18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ»; «ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **Чайка** (18-40, 21.10, телефон 77-06-20), **Нукус** (19, 21.30, телефон 46-70-69).

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» (мультфильмлар тўплами, 14 серия) — **Чайка** (11.00).

«ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИ» — **Ватан** (18.30, 21.00).

«БЛЕФ», «КЎЗДАН ҚОЧИРМА» — **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«ЭПСОНЛИК ЖЕНТЕЛЬМЕН» — **Хива** (22.00); **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» (2 серияли) — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00, телефон 53-65-87).

«ЎЗГА САЙЁРАЛИК АЁЛ» **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАЙСАРНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«АБДУЛЛА» — **Тинчлик** (18.30, 21.00).

29 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 19.30, телефон 44-21-44), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 20.30, телефон 66-15-75), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ», «ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **Чайка** (13.20, 16, 18.40, 21.10, телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 13.45, 16.30, 19, 21.00, телефон 46-70-69).

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» (мультфильмлар тўплами, 14 серия) — **Чайка** (11.00).

«ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИ» — **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«БЛЕФ», «КЎЗДАН ҚОЧИРМА» — **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«ЭПСОНЛИК ЖЕНТЕЛЬМЕН» — **Хива** (22.00), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» (2 серияли) — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87).

«ЎЗГА САЙЁРАЛИК АЁЛ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАЙСАРНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«АБДУЛЛА» — **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18-30, 21.00).

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ БЕТ

28 ИЮНЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р —12358. Индекс 64690. А —2158. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.